



Тошкент архитектура  
қурилиш инсититути  
ҳузуридаги тармок  
маркази

**БИНОЛАРНИНГ ЭНЕРГИЯ  
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ  
МАСАЛАЛАРИ**

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 2 ноябрьдаги 1023-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

**Тузувчиilar:** ТАҚИ, Балтаев Ж.И.

**Тақризчи:** ТАҚИ, ф.-м. ф. н., доц. Маткаримов С.Ю.

**Ўқув -услубий мажмуа ТАҚИ Кенгашининг 2019 йил 4 сентябрьдаги 1-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.**

## **МУНДАРИЖА**

<b>I. ИШЧИ ДАСТУР .....</b>	<b>4</b>
<b>II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ .....</b>	<b>12</b>
<b>III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР .....</b>	<b>20</b>
<b>IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....</b>	<b>377</b>
<b>V. КЕЙСЛАР БАНКИ.....</b>	<b>80</b>
<b>VI. ГЛОССАРИЙ.....</b>	<b>84</b>
<b>VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....</b>	<b>86</b>

## **I. ИШЧИ ДАСТУР**

### **Кириш**

Ишчи дастур олий ва ўрта махсус таълим муассасалари педагог кадрларнинг касбий тайёргарлиги даражасини ривожлантириш, уларнинг илфор педагогик тажрибаларни ўрганишлари ҳамда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш бўйича малака ва қўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Ишчи дастур мазмунода хориж таълим тажрибаси, ривожланган давлатларда таълим тизими ва унинг ўзига хос жиҳатлари ёритиб берилган.

Ишчи дастур мазмуни олий таълимнинг махсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, компьютер дастурлари асосида ҳисоблаш технологияси усулларини ўзлаштириш бўйича янги билим, қўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

Ишчи дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига кўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илфор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш, қурилиш конструкцияларини замонавий педагогик технологиялар асосида ҳисоблаш ва лойиҳалаш технологияларини амалиётга жорий этиш билан боғлик компетенцияларга эга бўлишлари таъминлайди.

Ишчи дастурнинг мазмуни тингловчиларни “**Биноларнинг энергия самарадорлигини ошириш масалалари**” модулидаги назарий методологик муаммолар, чет эл тажрибаси ва унинг мазмуни, тузилиши, ўзига хос хусусиятлари, илфор ғоялар ва махсус фанлар доирасидаги билимлар ҳамда долзарб масалаларни ечишнинг замонавий усуллари билан таништиришдан иборат.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

**“Биноларнинг энергия самарадорлигини ошириш масалалари”** модулининг мақсади: педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчиларини биноларни лойиҳалаш, қурилиши ва фойдаланишда энергия истеъмолини камайтириш йўлларини;

Ўзбекистон қуруқ иссиқ иқлими шароитида энергия самарадор биноларни лойиҳалаш асосларини;

замонавий иссиқлик изоляция материаллар хоссалари ва қўлланишининг ўзига хос омилларини;

биноларни энергоаудит ва сертификатлаш услубларини, уларни таъмирлашда энергия самарадорлигини ошириш йўлларини;

курилиш-таъмирлаш ишларини ташкил этишда замонавий технологиялар курсини ўқитишдаги илғор хорижий тажрибалар;

бино ва иншоотлар курилиши соҳасидаги инновациялар, замонавий асбоблардан фойдаланган ҳолда лойиҳалашдаги геодезик ишлар;

курилиш-таъмирлаш ишларини ташкил этишда замонавий технологиялардан самарали фойдаланиш усуллари;

биноларни эскириши назарияси ҳақида умумий маълумотларни;

биноларни эксплуатация қилишнинг умумий масалалари, кўрик тизимлари, махсус кўзатув-текширув ишлари, техник диагностика, таъмирлаш тизимларини билиши керак

#### **Модулнинг вазифалари:**

модулининг мақсади: педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси тингловчиларини қурилиш соҳасидаги лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатация қилишга доир билимларини такомиллаштириш, замонавий технологияларни ўзлаштириш, жорий этиш, таълим амалиётида қўллаш ва

- қурилиш лойиҳалаш соҳасидаги меъёрий ҳужжатлар тизимидағи, қурилишни ташкилий-технологик тайёрлаш тизимидағи, энергия фаол биноларни лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатация қилиш соҳасидаги замонавий технологиялар ва долзарб муаммолар мазмунини ўрганишга йўналтириш;

- тингловчиларда лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатация қилиш соҳасидаги илғор технологияларига доир олган янги билимларини ўз фанларини ўқитишда ўринли ишлата олиш кўникмаларини ҳосил қилишдан иборат.

#### **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйилладиган талаблар**

**“Биноларнинг энергия самарадорлигини ошириш масалалари”** модулини ўзлаштириш жараёнида амалга оширилладиган масалалар доирасида

#### **Тингловчи:**

- уй-жой биноларини таъмирлашда уларни энергия истеъмоли техник холатини текшириш ва энергия самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

- талаб этилган меъёрий хужжатлар ва илмий-техникавий маълумотлар билан ишлаш;
- биноларнинг иссиқлик ҳимоясини таъминлаш шартлари асосида ташқи тўсиқ конструкцияларини ҳисоблаш ва лойиҳалаш;
- бино ва иншоотларни қуриш ва эксплуатация қилишдаги геодезик ишларни самарали ташкил қилиш;
- қурилиш-таъмирлаш ишларини ташкил этишда замонавий технологияларни қўллаш;
- биноларни эскиришини аниқлаш, кўзатув-текширувда техник диагностика ишларини ўтказиш;
- биноларни эксплуатация қилишда кўрик тизимларини ташкил қилиш, жорий ва капитал таъмирлаш лойиҳаларини ишлаб чиқиш;
- реконструкция, кучайтириш, қайта тиклашда ҳисоблаш ва лойиҳалаш қўнималарига эга бўлиши лозим.

**Тингловчи:**

- таълим жараёнида компьютер технологияларидан фойдаланиш;
- педагогик фаолиятга инновацияларни тадбиқ этишнинг самарали шаклларидан фойдаланиш;
- хорижий тилдаги манбалардан педагогик фаолиятда фойдалана олиш;
- электрон ўқув материалларини яратиш технологияларини билиши ҳамда улардан таълим жараёнида фойдаланиш;
- педагогларда касбий компетентликни такомиллаштириш жараёнида ўз-ўзини ривожлантиришга бўлган онгли эҳтиёжни шакллантириш;
- бино ва иншоот конструкцияларини ҳисоблаш ва лойиҳалашда ахборот коммуникация технологияларини қўллай олиш;
- Ўзбекистон Республикасидаги меъёрий хужжатлар тизимидағи ўзгаришларни амалиётга татбиқ эта олиш қўнималарига эга бўлиши лозим.

**Тингловчи:**

уй-жой биноларни энергия самарадорлигини ошириш муаммоларини ҳал эта олиш;

бино ва иншоотларини лойиҳалаш, қуриш ва таъмирлашда энергия тежамкор технологияларини қўллаш;

уй-жой фондларини энергия самарадорлигини ошириш долзарб масалаларини ечиш ва меъёрий хужжатларни талабларини амалиётда қўллай олиш;

қурилиш-таъмирлаш ишларини ташкил этишда замонавий технологияларни қўллаган ҳолда ўкув жараёнини такомиллаштириш, инновацион таълим технологиялари асосида ўкув жараёнини “жонли”, ижодий ташкил этиш;

бино ва иншоотлар қурилиши йўналишидаги илфор инновацияларини қўллаган ҳолда ўкув жараёнини такомиллаштириш ушбу соҳада инновацион таълим технологияларини ишлаб чиқиш ва оммалаштириш;

биноларга ташхис қўйишида зарур бўлган амалдаги меъёрий ҳужжатлардан фойдаланиш;

биноларни кўрик тизимларини ташкил қилиш, жорий ва капитал таъмирлаш, реконструкция, кучайтириш, қайта тиклашда замонавий усуллар ва воситалардан фойдаланиш *малакаларига* эга бўлиши зарур.

**Тингловчи:**

- бино ва иншоот конструкцияларини автоматлаштирилган ҳолда лойиҳалаш;
- бино ва иншоот конструкцияларини ҳисоблаш ва лойиҳалашда ахборот коммуникация технологияларини қўллаш;
- бино ва иншоот конструкцияларини ҳисоблаш ва лойиҳалашда ишлатиладиган дастурий таъминотларни қўллаш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

**Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

**“Биноларнинг энергия самарадорлигини ошириш масалалари”** модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Модулни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан фойдаланган ғолда ўтказилади;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

**Модулнинг ўкув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

Модул мазмуни ўкув режадаги “Бино ва иншоотларни лойиҳалаш,

қуриш ва эксплуатация қилишнинг замонавий технологиялари”, “Лойиҳалаш ва қурилишда компьютер технологияларини қўллаш”, “Бино ва иншоотларнинг мустаҳкамлиги ва ҳавфсизлиги бўйича инновациялар”, “Бетон ва темир-бетон технологиялари”, “Замонавий қурилиш материаллари ва технологиялари” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қиласди.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модул олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий тайёргарлиги даражасини ривожлантириш, уларнинг илғор педагогик тажрибаларни ўрганишлари ҳамда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш бўйича малака ва кўникмаларини такомиллаштиришга қаратилганлиги билан аҳамиятлиdir.

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар компьютер дастурларидан фойдаланиб ҳисоблаш ва лойиҳалаш жараёнларини автоматлаштиришга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

## Модул бўйича соатлар тақсимоти:

№	Модул бирлиги номи	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат						Мустакил тайёргарлик	
		Хаммаси	Аудиториядаги ўқув юкламаси			Жумладан:			
			Жами	Назарий	Амалий	Кўчма машғулот			
1.	Туар-жой биноларининг энергия истеъмоли ҳолати ва уларнинг энергия самарадорлигини ошириш истиқболлари. Энергия тежаш муаммолари ва бинолар энергия самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари	2	2	2					
2.	Қурилиш иссиқлик техникаси асослари. Иссиқлик узатиш усувлари	4	4		2	2			
3.	Ташқи тўсиқ конструкцияларини намлиқ ҳолати. Ташки деворларда намлиқни пайдо бўлиш сабаблари	4	4		2	2			
4.	Тўсиқ конструкцияларининг иссиқлик химоялаш хусусияти бўйича қиши ва ёз шароити талабларига мос келишини хисоблаш. Умумий хисобий ва умумий термик қаршиликларини хисоблаш ва уларни таққослаш.	4	4		2	2			
5.	Биноларни энергия самарадорлиги бўйича сертификациялаш асослари, уни қўллаш ҳолати ва келажакдаги ютуқлари	2	2		2				
<b>Жами:</b>		<b>16</b>	<b>16</b>	<b>2</b>	<b>8</b>	<b>6</b>			

## НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

**1-мавзу: Туар-жой биноларининг энергия истеъмоли ҳолати ва уларнинг энергия самарадорлигини ошириш истиқболлари. Энергия тежаш муаммолари ва бинолар энергия самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари**

Республикамиз шаҳарларида биноларнинг энергия истеъмоли ҳолати. Бино ва иншоотларнинг энергия самарадорлигини ошириш буйича халқаро тажрибаларни баҳолаш. Биноларда энергия тежаш ва энергия

самарадорлигини ошириш муаммолари, уларни ечишнинг асосий йўналишлари

## **АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-амалий машғулот: Қурилиш иссиқлик техникаси асослари. Иссиқлик узатиш усуллари**

қурилиш иссиқлик техникаси, иссиқлик узатиш, иссиқлик ўтказувчанлик, тўсиқ конструкциялар, ҳисоблаш усуллари, намлик режими, намлик конденсацияси, буғ ўтказувчанлик (паропроницаемость). Иссиқлик узатишнинг асосий тушунчалари. Қурилиш материалларининг иссиқлик техник хоссалари. Тўсиқ конструкцияларини иссиқлик узатишга қаршилигини ҳисоблаш. Умумий тушунчалар;

### **2-Амалий машғулот: Ташқи тўсиқ конструкцияларини намлик холати.**

#### **Ташқи деворларда намликини пайдо бўлиш сабаблари.**

Қурилиш иссиқлик техникаси, иссиқлик узатиш, иссиқлик ўтказувчанлик, тўсиқ конструкциялар, ҳисоблаш усуллари, намлик режими, намлик конденсацияси, буғ ўтказувчанлик (паропроницаемость) Ташқи тўсиқ конструкцияларнинг намлик режими. Умумий тушунчалар Тўсувчи конструкциядаги намлики конденсатланишига қарши кўриладиган чоратадбирлар.

### **3-Амалий машғулот: Тўсиқ конструкцияларининг иссиқлик химоялаш хусусияти бўйича қиши ва ёз шароити талабларига мос келишини ҳисоблаш. Умумий хисобий ва умумий термик қаршиликларини ҳисоблаш ва уларни таққослаш.**

Иссиқлик бериш қаршилиги, термик қаршилик, иссиқлик қабул қилиш қаршилиги, иссиқлик инерциялилик, деворнинг иссиқлик бериш қаршилиги, девор материалининг иссиқлик ўтказувчанлик ва иссиқлик ўзлаштириш коэффициентлари, ички ва ташқи хаво хароратлари.

#### **4-Амалий машғулот:**

#### **4-амалий. Биноларни энергия самарадорлиги бўйича сертификациялаш асослари, уни қўллаш ҳолати ва келажакдаги ютуқлари.**

Энергия истеъмолини баҳолаш ва таққослаш, ва ниҳоят энергия тежашни рағбатлантириш учун асос - бу биноларнинг энергия самарадорлиги бўйича сертификацияси ва энергия истеъмоли кўрсаткичлари бўйича бинолар классификацияси (энергомаркировка)дан фойдаланишdir,

### **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модул бўйича қўйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқиши ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);

- давра сұхбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиягини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантикий холосалар чиқариш);

- баҳс ва мунозаралар (loyiҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиягини ривожлантириш).

## **II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ**

### **“SWOT-таҳлил” методи**

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласди.

Лира дастури мажмуаси тизимининг SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.

S	Лира дастури мажмуаси тизимидан фойдаланишнинг кучли томонлари	Конструкцияларга элементлар танлаши. Пўлат ва темирбетон конструкцияларига кесим танлаш ва уларни текшириш, шу жараён натижаси асосида устун ва тўсинларнинг ишчи чизмаларини яратиб бериши
W	Лира дастури мажмуаси тизимидан фойдаланишнинг кучсиз томонлари	Плиталарни арматуралашда автоматик равища чизмаларни яратиб берса олмаслиги
O	Лира дастури мажмуаси тизимидан фойдаланишнинг имкониятлари (ички)	Юклама ва кучланишларни боғлиқ ҳолда аниқлаб беради.
T	Тўсиқлар (ташқи)	Лира дастури мажмуаси тизимининг харид баҳоси

### **“Кейс-стади” методи**

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «study» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод хисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

## “Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

<b>Иш босқичлари</b>	<b>Фаолият шакли ва мазмуни</b>
<b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш;</li> <li>✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда);</li> <li>✓ ахборотни умумлаштириш;</li> <li>✓ ахборот таҳлили;</li> <li>✓ муаммоларни аниқлаш</li> </ul>
<b>2-босқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўкув топширигни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш;</li> <li>✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;</li> <li>✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш</li> </ul>
<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўкув топширигининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиши;</li> <li>✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;</li> <li>✓ муқобил ечимларни танлаш</li> </ul>
<b>4-босқич:</b> Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка ва гурӯҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш;</li> <li>✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш;</li> <li>✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш</li> </ul>

**Кейс.** Оғир саноат лойиҳа институти муҳандислари Термез шахридаги стадион лойиҳасини бажариш бюрмасини бажариш жараёнида ёритиш тизимининг минорасини оддий муҳандислик ҳисобини бажариш кўп вақт сарфига олиб келди ва фазовий ҳисобини бажариш мумкин эмаслиги маълум бўлди. Ҳисоблаш лойиҳалашни компьютер дастури асосида амалга оширишни мақсадгага мувофиқ деб топишиди. Яъни илова ҳисоблаш талабга жавоб бермади.

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг (индивидуал ва кичик гурӯҳларда).
- Компьютер дастури асосида ҳисоблаш ва лойиҳалаш кетма-кетлигини белгиланг (жуфтликлардаги иш).

## «ФСМУ» методи

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология тингловчилардаги умумий фикрлардан хусусий холосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, холосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

### Технологияни амалга ошириш тартиби:

- тингловчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки гоя таклиф этилади;
- ҳар бир тингловчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:



- тингловчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурӯҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили тингловчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

**Фикр:** “Лира дастур мажмуаси қурилиш соҳасида кенг қўлланиладиган ва чекли элементлар усулига асосланган тизимлардан биридир”.

**Топшириқ:** Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

### “Тушунчалар таҳлили” методи

**Методнинг мақсади:** мазкур метод тингловчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниqlаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- тингловчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади ( индивидуал ёки гурӯҳли тартибда);
- тингловчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изоҳини уқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир тингловчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий

муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

### «Хулосалаш» (Резюме, Веер) методи

• **Методнинг мақсади:** Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантикий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда тингловчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик групчалардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

#### Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи тингловчиларни 5-6 кишидан иборат кичик групчаларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир групчага умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни тарқатади;



ҳар бир груп ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз муроҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қиласди;



навбатдаги босқичда барча групчалар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлр билан тўлдирилади ва мавзу якунланади.

Дастурий таъминотлар					
ЛИРА		STAAD		NASTRAN	
афзалиги	камчилиги	афзалиги	камчилиги	афзалиги	камчилиги
<b>Хулоса:</b>					

### “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот
Доимий юк	Домий юкларга конструкцияларнинг хусусий оғирлиги, грунтнинг босими ва оғирлиги, конструкциядаги дастлабки кучланишнинг таъсири киради.	
ЛИР-АРМ	арматуралаш системаси	
Пластик деформация	Бетоннинг кўп каррали юкланиши ва юқдан бўшалиши ҳолатида өер ҳам ҳисобга олинади. ер – юк тўлиқ олингандан сўнг эластик қайтиш деформацияси	
Монолит бетон	Яхлит бетон.	
Мустаҳкамликка ҳисоблаш	Мустаҳкамликка ҳисоблаш. Биринчи чегаравий ҳолат бўйича ҳисоблаш	
Енгил бетон	Енгил бетон (цементли боғловчи ва ғовак тўлдирувчилардан ташкил топган) бино ва иншоотларнинг юк кўтарувчи ва кўттармайдиган конструкцияларида ишлатилади	
Олдиндан зўриқтирилган конструкция	Олдиндан зўриқтирилган темирбетоннинг афзаликларидан бири уни ёрилишга бўлган бардошлилигидир.	
Эластиклик модули	Арматураларнинг эластиклик хусусияти эластик модули билан характерланади ва у 0,15 дан 0,4 гача оралиқда бўлади.	
Чегаравий ҳолат	Конструкциянинг кўйилган талабларга жавоб бера олмай қолган ҳолати	

**Изоҳ:** Иккинчи устунчага тингловчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

### Вени Диаграммаси методи


**Методнинг мақсади:** Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва

фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

### **Методни амалга ошириш тартиби:**

- тингловчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқилаётган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;
- навбатдаги босқичда тингловчилар тўрт кишидан иборат кичик гурӯхларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гурӯх аъзоларини таништирадилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргаласиб, кўриб чиқилаётган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишигана қисмига ёзадилар.

Қурилиш конструкцияларини ҳисоблаш ва лойиҳалашни автоматлаштирилган тизимлари



### **“Блиц-ўйин” методи**

**Методнинг мақсади:** тингловчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш максадида қўллаш самарали натижаларни беради.

### **Методни амалга ошириш босқичлари:**

1. Дастлаб тингловчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг,

тингловчиларга түғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи тингловчиларга уч кишидан иборат кичик гурухларга бирлаштиради ва гурух аъзоларини ўз фикрлари билан гурухдошларини таништириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини «гурух баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишни топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гурухлар ўз ишларини тугатгач, түғри ҳаракатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади, ва тингловчилардан бу жавобларни «түғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.

4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ булса «0», мос келса «1» балл қўйиш сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидағи фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йигинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гурух баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гурух хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йигинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гурух хатоларини тўпланган умумий йигинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Тингловчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аникланади.

**«Лира дастур мажмуасида ҳисоб схемасини яратиш» кетма-кетлигини жойлаштиринг. Ўзингизни текшириб кўринг!**

Ҳаракатлар мазмуни	Якка баҳо	Якка хато	Тўғри жавоб	Гурух баҳоси	Гурух хатоси
Конструкция элементларининг геометрик схемасини тузиш;					
Таянч боғланишларини киритиш;					
Модел муҳитини бериш.					
Юкламаларни қўйиш;					

### **III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР**

#### **МАЪРУЗАЛАР МАТНИ**

**1-Мавзу:** Туар-жой биноларининг энергия истеъмоли ҳолати ва уларнинг энергия самарадорлигини ошириш истиқболлари. Энергия тежаш муаммолари ва бинолар энергия самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари.

##### **Режа:**

- 1.1. Республикализ шаҳарларида биноларнинг энергия истеъмоли ҳолати
- 1.2. Бино ва иншоотларнинг энергия самарадорлигини ошириш буйича халқаро тажрибаларни баҳолаш
- 1.3. Биноларда энергия тежаш ва энергия самарадорлигини ошириш муаммолари, уларни ечишнинг асосий йўналишлари.

**Калит сўзлар:** энергия истеъмоли, ҳолат, энергия тежсамкорлик, энергия самарадорлигини ошириши истиқболлари, муаммолари, ечими йўллари

**1.1. Республикализ шаҳарларида биноларнинг энергия истеъмоли ҳолати СЕНЕФ** (Энергиядан самарали фойдаланиш буйича марказ) маълумотларига биноан 2012-йили Ўзбекистон Республикасининг уй-жой Фонди 450 миллион м<sup>2</sup>, ижтимоий ва ҳизмат тармоқлари обьектлари эса 110 млн. м<sup>2</sup> ташкил этди.

Статистик маълумотларга биноан 2013-2014 йилларда уй-жой қурилиши 10744,4 ва 11327,6 минг м<sup>2</sup> ташкил этиб, шу жумладан намунавий лойиҳалар буйича қурилган биноларни қушиб ҳисоблагандаги якка тартибдаги қурувчилар томонидан мос равишда 10509,7 ва 11251,1 минг м<sup>2</sup> қурилди. Шундай қилиб, 2015йил 1-январ санасига туар-жой ва жамоат (ижтимоий ва ҳизмат кўрсатиш соҳаси) бинолари мос равишда 470 ва 115 миллион м<sup>2</sup> ортиқ майдонни ташкил этди. Мустақиллик йилларида уй-жой фонди умумий майдони 1.9 марта ошиди. 1-январ 2015 санасига Ўзбекистон Республикаси ахолиси тахминан 31 миллион кишини ташкил этди. Одам бошига тўғри келадиган уй-жой майдони 12.4 дан 15.4 м<sup>2</sup> гача ошиди.

Ўзбекистон Республикаси уй-жой фонди индивидуал ва қўп қаватли уйлардан (КҚУ) ташкил топган. Агар 2000-йили КҚУ миқдори жами уй-жой фондида 17% ташкил этган бўлса, якка тартибдаги уй-жой қурилиши ривожланиши натижасида 2012 йили 13% қуради.

1 июл 2013 да Ўзбекистон Республикаси қўп қаватли уй-жой фонди умумий майдони 58.3 миллион м<sup>2</sup> бўлган 965801 хонадонли 31671 қўп қаватли уйлардан ташкил топди.

Якка тартибдаги тураг-жой бинолари 392 млн. м<sup>2</sup> умумий майдонига эга бўлиб, 4.08 миллионни ташкил этди. Жами уй-жой фондида хусусий уй-жой фонди 98.9%- ини ташкил этди.

Кўрилаётган чора-тадбирлар кўлами Республикамиз уй-жой қуришида 2009-2014 йилларда уй-жойларни ишга туширишни 7674,1 минг кв метрдан 11327,6 минг квадрат метргача, яъни 47.6% ошириди (1.1-расм). Янги майдонларнинг тахминан чораги шаҳарларда, қолганлари эса қишлоқ жойларда ишга тўширилди. Тураг-жой биноларини фойдаланишга топширишда якка тартибдаги уй-жой улуши 2000 йилда 97 % дан 2009 йилда 98% гача ва 2014 йили 99 % гача ошди.

Шунга ўхшаш вазиятни бошқа соҳалар бўйича ҳам кўришимиз мумкин: шифохоналарни топшириш бўйича 2009 йилда 236 жойдан 2014 йили 9816 жойгача (расм1.2); поликлиникаларни ишга тушириш (ҚВП ларни қушган ҳолда) 2009 йили 1415 ташриф-сменадан 2014 йили 10140 ташриф-сменагача ошди (расм 1.3).


Кўрилган чора-тадбирлар 2009 йилга келиб умумталим мактаблари қурилиши (расм-1.4.), касб-техника колледжлари (расм-1.5.) ва академик лицейлар қурилиши бўйича дастурларни муваффақиетли бажаришга ва бу типдаги биноларни фақат ихтиежларига қараб қуришга утишга имкон яратилди.

Аммо, шуни таъкидлаш лозимки, тураг-жой ва жамоат бинолари аксарият ҳолларда ҳатто 2011 йили энергия самарадорлигини ошириш бўйича қурилиш меъерлари узгартирилгандан кейин ҳам бинолар энергия самарадорлигини ҳисобга олмаган ҳолда қурилди. Бу қурилиш амалиётида ҳозирги кунга қадар анъанавий тарзда бир-вақтлик ҳаражатларни минималлаштириш, келажакдаги биноларни иситиш ва совутиш бўйича жуда катта бўлган эксплуатация ҳаражатлари эса ҳисобга олинмаганлиги билан изоҳланади.


Ўзбекистонда шаҳар уй-жой фонди ҳар ҳил капиталлик тури ва сейсмикага қаршилик даражасига эга асосан якка тартибдаги тураг-жой биноларидан ташкил топган.

Ўзбекистон кўп ҳонадонли тураг-жой фонди бинолари 91% I-IV капиталликдаги йирик-панел, ғишт ва йирик блокли уйларни ўз ичига олади. Барча кўп ҳонадонли уй-жой жамғармасининг 22.8 % ини 1-3 қаватли тураг-жойлар, 77.2% ини 4 ёки ундан кўпроқ қаватли тураг-жойлар, ундан 60,2 % тўрт қаватли уйлар ҳисобланади. Юқори капиталликга эга тураг-жой биноларининг асосий қисмини йирик панелли ва ғишт уйлар ташкил этади (1.1.-жадвал).


Расм-1.1. 2009-2014 йиллар оралиғида турар-жой биноларини эксплуатацияга топшириш динамикаси




Расм-1.2. 2009-2014 йиллар оралиғида касалхона биноларини эксплуатацияга топшириш динамикаси (койкалар)




Расм-1.3. 2009-2014 йиллар оралиғида поликлиникаларни (СВП лар билан биргаликта) эксплуатацияга топшириш динамикаси




Расм-1.4. 2009-2014 йиллар оралиғида умумтағым мактабларини эксплуатацияга топшириш динамикаси (минг үкувчи жойи)



Расм-1.5. 2009-2014 йиллар оралиғида касб-тағым колледжларида эксплуатацияга топшириш динамикасы (минг үқувчи ўрин)



Расм-1.6. 2009-2014 йиллар оралиғида академик лицеевнің эксплуатацияга топшириш динамикасы (минг үқувчи ўрин)



## 1.1-жадвал

### **Шахар кўп хонали турар-жой фонди конструктив тури ва қаватлилиги буйича структураси (умумий майдонга % хисобида)**

Уйларнинг конструктив тури	Конструктив тури ва капиталлиги буйича	Уйларнинг қаватлилиги буйича						
		Хаммаси	шундан					
			1 қават	2 қават	3 қават	4 қават	5 қават	6-9 қават
1	2	3	4	5	6	7	8	9
Барча кўп хонадонли турар-жой фонди	-	100	12,3	8,7	1,8	60,2	12,6	4,4
шундан								
Юқори капиталликдаги (I-III гурӯҳ)	100	100	4,1	9,2	2,1	66,0	13,8	4,8
шундан:								
Йирик панелли	49,6	100	0,7	1,6	0,1	78,6	10,6	8,4
Ғишт	48,5	100	10,9	25,7	6,6	42,0	14,8	-
Йирик панелли	1,9	100	37,1	59,6	3,3	-	-	-
Паст капиталликдаги (IV-гурӯҳ)	-	100	91,9	8,1	-	-	-	-

## 1.2-жадвал

### **Шахар кўп хонадонли турар-жой фондини эскириш даражаси қурилган иили буйича структураси (умумий майдонга % хисобида)**

Уйларнинг конструктив тури	Хам маси	Эскириш даражаси буйича				Қурилиш иили буйича			
		Гача 20 %	21-40 %	41-60 %	61-80 %	гача 1958	1958- 1965	1966- 1981	кейин 1981
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Барча кўп хонадонли турар-жой фонди	100	81,6	13,7	2,9	1,8	6,2	14,4	47,7	31,7
шундан									
Юқори капиталликдаги (I-III гурӯҳ)	100	89,9	8,7	1,0	0,4	2,3	10,4	46,2	41,1
шундан:									
Йирик панелли	100	97,8	2,2	0,0	-	0,6	5,4	53	41
Ғишт	100	83,0	14,8	1,5	0,7	0,4	15,6	39	41
□рик панелли	100	63,7	19,3	17,0	-	0,0	15	45	40
Паст капиталликдаги (IV-гурӯҳ)	100	33,3	42,5	13,8	10,4	39,0	40,0	21,0	-

Йирик панелли бинолар таркибига каркас-панелли ва кўп бўлмаган миқдорда монолит темирбетон киритилди.

Республикамиз шаҳар кўп ҳонадонли турар-жой фонди ҳар ҳил даражадаги жисмоний ва маънавий эскириш ва ҳизмат даврларига эга бўлган турар-жой биноларидан ташкил топган.

Аналитик ҳисоб-китобларга кўра тўқсонинчи йиллар бошида кўп ҳонадонли турар-жой жамғармаси 80% -и жисмоний эскириши 20%-ни ташкил этган (1.2-жадвал). Бу бинолар асосан 1965 йилдан кейин қурилган. 1965 йилгача қурилган бинолар жисмоний эскириши 40-80% ташкил этиши керак эди. Биноларнинг ҳизмат даври давомида ҳосил бўладиган жисмоний эскириши жорий ва капитал таъмирлаш ўтказилиши билан қайтарилиши зарур, лекин, афсуски, улар дойим ҳам ўз вактида ўтказилмаган.

Кўп ҳонадонли турар жойлар бир-икки ва ўч, шунингдек 4, 5 ва 6-9 қаватли бинолар сифатида тақдим этилган. Конструктив тизими бўйича йирик панелли, ғишт ва йирик блокли бўлиб, 90-чи йиллар бошига келиб уларнинг ҳиссаси мос равища 49,6%, 48,5% ва 1,9% ташкил этди. Бу пропорциялар ҳозирги кунга келиб ғишт биноларнинг кўпайиши томонга узгарди.

Агар кўп ҳонадонли турар жойларнинг аксарияти юқори капиталликдаги биноларга таъалуқли бўлса, кўпчилик якка тартибдаги турар жойлар, асосан турғунлар томонидан қурилган, айниқса қишлоқ жойларда, паст капиталликдаги бинолар ҳисобланади. Якка тартибдаги турар-жой бинолари асосан бир қаватли, бази ҳолларда икки қаватли бинолардан таркиб топган.

Мустақиллик йиллари давомида якка тартибда уй-жой қуриши улуши барқарор ошмоқда. Шаҳарларда ажратилган эр участкаларида якка тартибда бир ёки икки қаватли юқори капиталликдаги турар жойлар қурилмоқда. Аксарият ҳолларда сейсмик қурилиш меъерлари сақланган ҳолда, замонавий архитектуравий-режавий эчимлар асосида пардозлаш ашъелари ва төхнологийлар қўлланилган ҳолда қурилиш ишлари бажарилмоқда.


Лекин якка тартибда қурилаётган турар жойларнинг белгили қисми, айниқса қишлоқ жойларда, сейсмик меъерлар талаблари сақланмаган ҳолда, анъанавий лой-паҳса ашъелардан қурилмоқда. Бу эса ушбу биноларнинг паст капиталлигина белгилайди.

Турар-жойлар, айниқса эскирган меъерлар бўйича қурилган бўлса, уларнинг комфортлигига, ободонлигига, шунингдек иссиқлик-ҳимояси сифатларига ҳозирги замонавий талабларнинг ортиши натижасида манавий ва жисмоний тез эскирмоқда.

Такидлаганимиздек, мамлакатимизда турар-жой ва жамоат бинолари фонди мос равища 470 ва 115 млн кв.м. ташкил этиб, уларга жами энергия

истеъмолининг 50%, шундан табийий газ истеъмолининг 64% тўғри келмоқда. Бу биноларнинг асосий қисми асосий қурилиш ашъелари сарфини тежашга йуналтирилган собиқ иттифоқ қурилиш меъерлари бўйича қурилган. Эксплуатация сарфларига эса етарлича эътибор қаратилмаган бўлиб, бу эса биноларнинг паст иссиқлик ҳимояси ва ниҳоятда кўп энергия истеъмол қилишига олиб келди. 2011 йили 1 квадрат метр турар-жой майдонига тўғри келадиган солиштирма энергия сарфи 52 кг.у.т./кв.м./йил тўғри келди (423 кВт\*соат/кв.м./йил).

Расм-1.7. Узбекистонда бирламчи энергия истеъмоли структураси (иктисодиёт тармоқлари бўйича)



Расм-1.8. Биноларда солиштирма йиллик энергия истеъмоли (кВт\*соат/кВ.м.)



Халқаро энергетика агентлиги маълумотлари бўйича

## 1.2. Бино ва иншоотларнинг энергия самарадорлигини ошириш буйича халқаро тажрибаларни баҳолаш.

XX аср охири ва XXI аср бошида бинолар ва иншоотларни энергетика самарадорлигини ошириш, дунёнинг кўплаб мамлакатларида қурилиш саноати илмий-техника сиёсатининг асосий йўналишларидан бири бўлди. Бу айни пайтда ёқилғи 40% ҳақида энергия ресурслари турли бинолар, иншоотлар, бинолар ичида микроиклиминг меъёрий параметрлар билан таъминлаш бўйича сарф бўлиши билан боғлиқ. шу билан бир вақтда сўнгти ўн йилликлар ичида энергия дунё бўйлаб ишлаб чиқариш сезиларли даражада кўпайди, ва энергия истеъмоли ўсиши умумий тенденцияси давом этмоқда. Шунинг учун энергия самарадорлигини ошириш ва иссиқхона газ эмиссиясини дунё бўйлаб камайтириш масалалари устувор бўлиб қолмоқда.

Энергия тежаш ва атроф муҳитни ҳимоялаш масалаларига ривожланган давлатларда энг кўп эътибор қаратилмоқда: Европа, Америка Курама Штатларида, Японияда ва бошқаларда. Европа мамлакатларида утган асрнинг етмишинчи йилларида ёки бино ташқи қопламалари орқали иссиқлик йўқотилишини камайтириш мақсадида лойиҳалашда меъерий-ҳукуқий базани мослаб узгартириб бошлади. Энергия тежаш ва биноларни иссиқлик ҳимоясини орттириш масалаларини ҳал қилиш мақсадида Европа Иттифоқи давлатларида биноларни энергия самаралигини орттириш бўйича қурилиш меъерларини стандартлаш учун маҳсус Директивалар ишлаб чиқила бошлади. Европа Иттифоқи давлатлари ушбу умумевропа директиваларини амалиетга татбиқ қилиш мақсадида узларининг миллий қонун ва стандартларини яратиши зарур бўлди. Шуни такидлашимиз лозим, ушбу директивалар доймий равишда янгиланиб ва ривожланиб турди.

Биноларнинг энергия самаралиги асосан унинг ташқи қопламаси, яни, деворлари, томи, ёруғлик **проемларига** боғлиқ бўлади. Ҳозирги кунда ҳимоя конструкцияларини тўғри фойдаланиш орқали биноларни иситишга сарфларини 50% тежаш мумкин.

Ривожланган давлатларда, айниқса, европада, биноларнинг иссиқлик-энергия тавсифларини яҳшилаш буйича ишланмалар 70-чи йиллар юз берган энергия инқирози натижасида бошланди. Кўпчилик давлатларда янги қурилаётган биноларга энергия истеъмолини камайтириш мақсадида даврий турда янгича қаттикроқ бўлган талаблар қўйилиб борди. Натижада биноларнинг иссиқлик ҳимояловчи конструкциялари меъерий миқдорлари 2010 йилга келиб 2-3,5 баравар ортиб, биноларнинг энергия истемоли 2,5-3 баробар камайди. Таҳлилларнинг қўрсатишича Европа Иттифоқи давлатлари қурилиш меъерларида энергияга талаб даражалари бир-биридан анча кенг диапазонда фарқ қиласи.

Масалан, Дания, Испания ва Германияда

биноларнинг энергия истеъмоли мос равища 12, 14, 18 кВт/м<sup>3</sup>/йил бўлса, Италия ва Белгияда мос равища 28 ва 32 кВт/м<sup>3</sup>/йил ташкил этади. Шунинг билан биргалиқда Европа Иттифоқи давлатларида ҳар 3-5 йилда биноларнинг энергия истемолини 10-20% қисқартириб бориш масаласи қўйилган.

Такидлаш керакки, биноларнинг энергия самаралигини оширишда Скандинавия давлатлари тажрибаси эътиборга лойиқдир (1.3-жадвал). Масалан Финляндияда 1974 йилги энергия инқизозидан кейин дарров барча турдаги бинолар учун иссиқлик ҳимоясига юқори талабларни урнатдилар. Финляндия стандартлари буйича бинолар ташқи иссиқлик ҳимоя конструкциялари термик қаршилиги 2,86 (м<sup>2</sup>.°C)/Вт, том конструкциялари 4,35 (м<sup>2</sup>.°C)/Вт, тупроқга тегиб турувчи конструкциялар – 2,5 (м<sup>2</sup>.°C)/Вт, ойна ва эшиклар – 0,48(м<sup>2</sup>.°C)/Вт. 2006 йилдан бошлаб эса уларнинг минимал руҳсат этиладиган қиймати деворлар учун 5, бостириналар учун эса 6 (м<sup>2</sup>.°C)/Вт булиб белгиланди.

Швецияда 1978 йили белгиланган қурилиш меъерлари бўйича деворлар учун – 2,5, бостириналар учун 4 ва поллар учун 2,86 (м<sup>2</sup>.°C)/Вт. 1985 йилдан эса бу кўрсатгичлар мос равища 4, 5 ва 3,33 (м<sup>2</sup>.°C)/Вт ортирилди.

Европа давлатлари орасида энергия тежаш борасида Дания энг ривожлангани ҳисобланади. Узларида қазилма энергия манбалари бўлмаганлиги сабабли Данияда бошқа давлатларга нисбатан коммунал хужалиги, қурилиш, саноат, транспорт соҳаларида энергия сарфини камайтириш масалалари олдинроқ бошлаб юборилди. Натижада кейинги 30 йил мобайнида Дания ЯИМ доймий усишига қарамасдан энергия сарфи 1980-йил даражасида ушлаб турилмоқда (расм-1.9). Бу натижага эришиш учун бошқа қатор стратегик йуналишдаги энергия тежаш дастурларни утказиш билан биргалиқда ҳар йили мавжуд биноларнинг 1% энергия самарали меъёrlар бўйича реконструкция қилиш натижасида амалга оширилди.

Данияда қурилиш меъерларини доймий равища энергия истеъмоли курсатгичлари бўйича чеклаб борилиши натижасида уларда бугунги кунда Европа Иттифоқи бўйича энг паст солишишима энергия истеъмоли кўрсатгичига эришган. Данияда турар жой биноларида 1979 йилга нисбатан энергия истеъмоли 2 баробардан кўпроқ камайтирилди ва 85 кВт/м<sup>2</sup>/йил ташкил этди. Бизда бу курсатгич 400 кВт/м<sup>2</sup>/йил.

### 1.3-жадвал

Хар-хил давлатларда ўртacha инерционликдаги (массадаги) ташқи деворлар иссиқлик утказувчанилигига қаршилиги минимал руҳсат этилган миқдорлари солишишима таҳлили,  $R^{tr_0}$ , (м<sup>2</sup>.°C)/Вт

Давлат	Йил	R <sup>tr0</sup> ташқи хаво ҳисобли температурасида	
		-15	-20
Германия	1973 гача	0,56	0,64
	1978 гача	1,08	1,24
	1985 гача	1,84	2,12
	2006 кейин	3,80	4,46
Буюк британия	1973 гача	0,50	0,58
	1978 гача	0,86	0,99
	1985 гача	1,58	1,82
	2006 кейин	3,20	3,72
Франция	1973 гача	0,56	0,64
	1978 гача	1,24	1,43
	1985 гача	2,12	2,44
	2006 кейин	3,60	4,20
Скандинавия давлатлари	1973 гача	1,25	1,72
	1978 гача	1,69-2,08	2,32-2,86
	1985 гача	2,43-2,69	3,35-3,70
	2006 гача	5	5,75
	2006 кейин	5,8	6,7
СССР	1958-1972	0,71	0,81
	1972-1975	0,73	0,84
	1976-1991	0,66	0,76
Россия	1991-1997	0,66	0,76
	1997-2000	1,2	1,6
	2003 йилдан	2,1/1,8	2,8/2,4
Узбекистон	1997 дан Биринчи даражада	0,67/0,54	0,77/0,62
	Иккинчи даражада	0,80/0,63	1,15/0,87
	Учинчи даражада	1,60/1,50	1,90/1,70
	2004 дан Биринчи даражада	0,75/0,62	0,86/0,71
	Иккинчи даражада	1,30/1,00	1,90/1,30
	Учинчи даражада	2,40/2,10	2,80/2,40
	2011 дан Биринчи даражада	0,94/0,75	0,94/0,90
	Иккинчи даражада	1,80/1,50	2,20/1,80
	Учинчи даражада	2,60/2,20	3,00/2,60

Асосан энергия тежамкорлиги паст булган туарар-жой бинолари эгалари уларни сотишларида бирмунча пулларидан ажралишига тўғри келарди ва бунинг натижасида уйларни қимматроқга сотиш мақсадида биноларининг энергия тежамкорлигини оширишни бошлардилар. Катта эътибор қайта тикланадиган энергия манбаларидан максимал фойдаланишга қаратилди. Кўрилаётган тадбирлар орасида замонавий иссиқлик сақлаш ашъёларидан, айниқса минерал пахтадан фойдаланиш яхши натижалар бермоқда.

Иссиқлик ҳимояси қатлами базалт паҳтадан деворларда 25 см, бостирмаларда – 35 см ташкил этди.

Данияда энергия истеъмолини камайтиришга куйидаги энергия самарали тадбирларни ўтказиш орқали эришилди:

-сиёsat даражасида энергия истеъмолини ҳар йили чеклаб борувчи директивалар;

-энергия истеъмоли буйича қурилиш меъерларини дойимий назорат қилиш ва камайтириб туриш;

-барча турдаги энергияларни, хусусан қайта тикланадиган энергияларни (шамол генератори, қуёш панеллари, чиқиндиларни ёқишдан олинган энергия), интеграциялаган ҳолда марказий иситишни қуллаш;

-бинолар энергия аудити ва энергия сертификациясини ўтказиш.


Бунинг натижасида европа давлатлари орасида Данияда энг паст солиширма энергия истеъмоли даражасига эришилди (1.10-расм).

Чет давлатларнинг тажрибаси бинолар энергия самаралигини оширишнинг яҳши инструментларидан бири энергия сертефикацияси бўлиб топилишини кўрсатади.


Германияда энергетик сертефикация қонунчилик асосида амалга оширилади. 2002 йилдан буён Германияда энергетик сертификат янги ва модернизацияланган бинолар учун мажбурий бўлиб топилади. Сотиш ва арендага бериладиган, шунингдек жамоавий қўлланиладиган бинолар учун энергетик сертификат талаблари қўлланилади.

Норвегияда энергия самарадорлигини белгиловчи сертификат қонуний базаси бўлиб ЕИ Директиваларини ҳисобга оловчи Миллий Қонунчилиги ҳисобланади.


## 1.9-расм. Данияда ЯИМ ва ялпи энергия истеъмолини урганиш



## 1.10-расм. ЕИ қурилиш меъерларида энергетик талаблар даражаси



## 1.11-расм. Дания турар-жой секторида энергия истеъмолини камайтириш динамикаси



1.11-расмдаги Дания турар-жой секторидаги энергия истеъмолини камайтириш динамикаси утказилаётган тадбирларнинг самарадорлигини яққол кўрсатиб турибди.

ЕИ биноларни энергетик сертификатлаш куйидагиларни ўз ичига олади: иссиқлик ҳимояси, иситиш, ҳавони совутиш, иссиқ сув таъминоти ва электр ёриқлантириш.

Энергия аудити натижасида бинодаги энергия истемоли ҳажми ҳақидаги ҳақиқий маълумотлар олинади ва энергия тежаш резервлари аниқланади

(энергетик ташҳис). Шунингдек энергия аудитини бино ҳолатини аниқлаш элементи сифатида қарашимиз ҳам мумкин.

Чет давлатларда бинолар энергетик ташхислариға жиддий эътибор қаратади. Масалан, европа парламенти ва бинолар энергия характеристикалари бўйича Европа Иттифоқи Йигини 2002/91/ЕС Директивасини чиқариб, унга биноан Европа Иттифоқига кирувчи барча давлатлар энергия аудити натижаси сифатида эксплуатацияланувчи биноларнинг энергетик паспортларини яратишлари шарт.

Индустрисал ривожланган чет давлатларда бинолар энергетик паспортизацияси уларнинг энергия самарадорлигини таъминлашнинг зарурый шарти булиб топилади.

Энергетик паспорт бинонинг энергия самарадорлигининг учта аспектини уз ичига олиши керак: лойиҳанинг меъерий талабларга мослигининг исботи; эксплуатация жараёнида энергия самарадорлиги назорати; турар-жой эгаларини энергия истеъмолини камайтиришга мотивлаш. Шунингдек, ушбу ҳужжат турар-жой биносининг бозор баҳосини баҳолаганда энергия сифати тасдиғи булиши керак.

СНГ давлатларида кейинг 15-20 йил мобайнида энергия самарадорликни ошириш қурилиш ривожланишининг асосий юналишларидан бирига айланди. Энергия тежаш масалалари айниқса Россияда интенсив равишда ривожланмоқда. Бино ва иншоатларнинг энергия самарадорлигини меъерлаш концепцияси ҳукуқий-меъерий ҳужжатлар тизимини ишлаб чиқиш ва корректировкалашни назарда тутиб, бу ҳужжатларнинг кўпчилиги мавжуд эмас, мавжудлари ҳам жуда эскирган.

Россия ва бошқа МДХ давлатлари лойиҳалаш ва қурилиш амалиёти европаникidan буткил фарқ қиласи ва бинонинг ташқи иссиқлик муҳофаза қобиги меъерий даражасини ҳисобга олган ҳолда муҳандислик ускуналари тизимини максимал энергия истеъмоли ҳисобли кўрсаткичларини аниқлашга йуналтирилган бўлиб, бу бўйича иссиқлик-энергия истемол қилувчи муҳандислик ускунасининг қуввати белгиланади. Шунинг учун Россия энергия самарадорлиги концепциясини ЕИ директиваси билан белгиланган европа иттифоқиники билан гармонизациялаш ҳақида ечим қабул қилинди.

Охирги 12 йил мобайнида НИИСФ РААСН қатор корҳоналар билан биргалиқда энергияни самарали фойдаланишни меъерлаш бўйича тизимли таҳлил ишлаб чиқилди ва апробация қилди ва норматив ҳужжатлар тизимини яратди. Бунда 2000 йилда 1995 йилга нисбатан биноларнинг энергия самарадорлигини 35-45% ошириш, бинолар энергия таъминотини қуриш ёки реконструкциялашда экологик заарли нарсалар чиқишини камайтириш, айниқса 50-60 йилларнинг массалик қурилмаларини реконструкциялашда, ва

бунинг натижасида Россия энергия ҳавфсизлиги билан биргаликда атроф мұхитни муҳофаза қилиш ҳам таъминланади.

Украина лойиҳалаш ташкилотлари тажрибалари, Россия ва европа давлатларида биноларнинг энергия самарадорлигини таъминлаш буйича қабул қилинган тамойиллар таҳлили асосида иссиқлик ҳимояси буйича украина қурилиш меъерлари ишлаб чиқилған. Меъерларга киритилған тубдан узгаришлар турар-жой ва жамоат бинолари тузиқ конструкциялари иссиқлик ҳимояси минимал даражасини ўртача 15-40% оширишни назарда тутган.

Беларус республикасида турар-жой-коммунал тармоқда энергия истемолини тежаш буйича тадбирлар тармоқ дастурлари ичиде олиб борилади. Улар ташкиллаштириш-техник, меъерий ва қонуний-хуқуқий тадбирлар комплексини ташкил этиб, бинони лойиҳалашдан бошлаб, қурилиш, эксплуатация, техник ҳизмат күрсатиш, таъмирлаш ва реконструкция, яъни бинонинг барча этапларини уз ичига олади. Бунда бинони иситишга кетадиган иссиқлик энергиясини тежаш буйича тадбирлардан бири тузиқ конструкцияларининг иссиқлик ҳимоясини иссиқлик утказишга қаршилигини ошириш натижасида эришиш бўлиб топилади. Беларус республикасида тўзиқ конструкцияларини иссиқлик утказишга қаршилигини меъерлагандага чет давлатлар амалиётини аналогидан келиб чиқган ҳолда иссиқлик утказишга қаршилигининг иқтисодий мақсадга мувофиқ маъносидан келиб чиқади. Иссиқлик утказишга қаршилиқни аниқлашга ушбу ёндошув дунё амалиётида энг асослангани деб тан олинган. Шунингдек ҳисоблар энергия ресурслари баҳосининг ошиши бинолар тузиқ конструкциялари иссиқлик утказишга қаршилиги иқтисодий мақсадга мувофиқ даражасининг аҳамияти ортишини кўрсатмоқда. Бу факт ривожланган мамлакатларда меъерий иссиқлик утказишга қаршиликнинг доймий ошиб боришида кўринади.

Ҳар ҳил давлатлардаги бинолар ва иншоатлар энергия самарадорлигини меъерлаш тизимининг таҳлили ҳозирги кунда европа иттифоқида ҳаракат қилиб турган стандартлар тизими энг ривожланган ва актив ҳаракат қилаётган эканлигини кўрсатмоқда. Шунинг билан биргаликда ҳалқаро тажрибани умумийлаштириш ва таҳлил қилиш биноларнинг энергия самарадорлиги буйича чет эл тажрибасини узимизга кўр-кўронада тадбиқ қилиш нафақат ижобий натижа бериши, балким салбий натижаларга ҳам олиб келиши мумкин.

Бизнинг давлатимизда лойиҳалаш ва қурилиш амалиёти чет элницидан принципиал ўзгачаликга эга. Шунинг билан биргаликда бизнинг меъерий хужжатлар концепция ва тизимиға қўйиладиган яна бир зарур талаб – улар

ҳалқаро стандартлар билан илмий гармонизацияланган булиши керак, яни, ривожланган давлатларда иқтисодий мақсадга мувоғиқ булган чет эл меъерий талабларни ўзимизга механик тарзда кўчириб қўйиш тўғри келмайди.

Ушбу хulosамизнинг тасдиги сифатида барча европа давлатларининг бино энергия самарадорлиги меъерлаш тизимиға умумий интеграцияланиши учун миллий тизимларига ЕРВД Директивалари умумий методологик стандартларининг 25-30% татбиқ қилиниши 70-75% ҳаракатдаги миллий стандартларнинг гармонизацияси етарли эканлигини кўрсатишимиз мумкин. ЕРВД Директиваси беш блок меъерий ҳужжатларни (ҳаммаси 65 стандарт) ичига олади ва бино ва иншоотлар энергия самарадорлигига умумий методологик талабларни белгилаб, ҳарбир давлатга меъёрларида климатик, ресурс мумкинчиликларидан, иқтисодий вазиятидан келиб чиқсан ҳолда ўзларининг миллий ўзгачаликларини ҳисобга олишга имкон яратади.

### **1.3. Биноларда энергия тежаш ва энергия самарадорлигини ошириш муаммолари, уларни ечишнинг асосий йўналишлари.**

Мамлакатимизда иқтисоди турар-жой-фуқаро тармоғида энергия самарадорлигини ошириш долзарб илмий-техника муаммоларидан ҳисобланади. Бу борадаги муаммоларни ечишнинг стратегик йуналишларига энергия тежаш соҳасида давлат сиёсати қонунчилик-ҳукуқий асосини ривожлантириш, бино ва иншоатларни энергия самарадорлигини оширишга йуналтирилган лойиҳалаш ва қурилиш меъерий-методологик базани тадбиқ этиш ва ривожлантириш.

Бизнинг давлатимизда ҳозирги кунда табиий-климатик шароитни, қурилиш индустряси ва умуман иқтисод ҳолатини ҳисобга олган ҳолдаги биноларни энергия самарали этиб лойиҳалаш ва қуришнинг илмий асосланган меъерий-методологик асоси яратилди. Шунинг билан биргаликда унинг лойиҳалаш ва қурилиш амалиётига тадбиқ этилиши жуда секин бўлмоқда. Иссиклик ҳимояси меъерлари янги биноларни қуришда қандайdir даражада ҳисобга олинса, капитал таъмирлашда фақат анъанавий биноларнинг сейсмик кучайтирилишига эътибор қаратилиб, иссиқлик ҳимояси умуман ҳисобга олинмаяпти. Бу бир томондан йиллар давомида шаклланиб қолган бинолар қурилишида бир вақтлик сарфларни камайтиришга уриниш ва бунинг натижасида етарли даражада катта булган биноларни иситиш ва ҳавосини совутишни эътиборга олмаслик сингари ҳато ёндашувдан келиб чиқмоқда. Иккинчи томондан эса, иссиқлик изоляция ашъелари бозори ва ишлаб-чиқариш базасининг етарли ривожланмаганлиги; янги меъер талаблари реализацияси кучсиз методологик базаси; ҳаракатдаги бинолар тўсиқ конструкциялари иссиқлик ҳимояси ҳусусиятларини ошириш

бўйича апробацияланган конструктив-технологик ечимларнинг йуқлиги; лойиҳачи ва қурувчилар учун бу соҳада тажриба ва малакаларнинг, шунингдек справочник ва методик адабиётларнинг етишмаслиги; шундай бўлсаям қурилишда энергия тежамкорликни пасайтирувчи асосий сабаб юридик шаҳслар ва умуман ҳалқни қурилишда, айниқса биноларни капитал таъмирлаш ва реконструкциялашда, энергия тежамкор тадбирларни қўллашга стимулловчи бозор меҳанизмларининг ва энергия тежаш тамойиллари бўйича маълумотларнинг етарли бўлмаслиги ҳисобланади.

Мамлакатимиз иқтисоди самарали ишлаши ва ривожланиши асосан унинг барча тармоқларида, хусусан, турар-жой жамғармамизни реконструкциялаш ва янги қурилишда, энергия тежаш муаммоларини ечиш билан боғлиқ. Айниқса турар-жой фондимиз ва жамоавий бинолар улушига барча энергия сарфининг деярли ярми тўғри келади. Турар-жой биноларининг барчасини ҚМҚ2.01.18-00 талабларига мос равишга олиб келиш улардаги энергия сарфининг турар-жойлар бўйича 13,8 млн.т.у.т. (2011 йилдаги истеъмолнинг 61%), жамоа бинолари бўйича эса 2,4-2,9 млн.т.у.т. (2011 йилдаги энергия истеъмолининг 70-84%) камайтириш, ёки, табийий газ истеъмолини 2 баробарга камайтириш ва бунинг натижасида газни экспорт қилиш мумкинчиликларимизни оширишимиз мумкин [1].

Ўтказилган тадқиқотларимиз мамлакатимиз иқтисоди турар-жой – фуқаро тармоғида энергия самарадирлигини ошириш муоммолари ечими бўйича куйидаги асосий йуналишларни шакллантиришимизга бўлади:

- энергия тежаш соҳасида давлат тизимли сиёсати қонуний-ҳуқуқий асосини ривожлантириш. Энергия тежашни бошқариш бўйича давлат сиёсати реализацияси ҳужалик юритувчи субъектлар ва фуқароларнинг энергия тежаш борасидаги мавжуд салоҳиятларини самарали фойдаланишга, биринчи навбатда энергия тежамкор лойиҳаларни инвестициялаш ҳисобига, иқтисодий манфаатдорлигини яратилишига олиб келиши керак;

- ИЕР самарали фойдаланилиши устидан давлат назоратини кучайтириш, энергия самарали биноларни лойиҳалаш ва қурилишида қурилиш меъерлари ва қойдаларини тўлиқ қўлланилиши;

- ашъевий ва ишлаб-чиқариш базасини ривожлантириш, маҳаллий табийий ҳомашъе ва ишлаб-шиқариш чиқиндилари асосида самарали иссиқлик изоляцияловчи янги ашъёларни ишлаб чиқариш;

- замонавий талабларга жавоб бермайдиган ҳаракатдаги турар-жой ва жамоавий бинолар жамғармаси энергия самарадорлигини ошириш конструктив-технологик, меъерий-методологик ва ташкилий асосларини татқиқ этиш ва ишлаб-чиқиш;

-энергия истеъмоли буйича бинолар техник ҳолатини тадқиқ этиш ва сертификациялаш, энергия аудити методологик асосларини ривожлантириш;

- мамлакат иқтисоди ривожланиш даражаси, иссиқлик изоляцияловчи ашъелар бозори тўлиқлиги, улар баҳоларининг ўзгарувчанлиги, шунингдек енилғи-энергия ресурслари баҳоси ва бошқа факторларни ҳисобга олган ҳолда янги қурилаётган ва реконструкцияланаётган биноларда энергия истеъмолини доймий қисқартирилиб борилишини таъминловчи қурилиш меъерларини ишлаб чиқиши ва периодли равишда қайта қараб туриш.

### **Саволлар:**

1.Бугунги кунда республикамиз турар-жой фонди қандай миқдорга эга?

2.Турар-жой фондининг қанча бўлимини кўп қаватли турар-жойлар қурайди?

3. 2009-2014 йиллар оралағида турар-жойларни йиллик эксплуатацияга топшириш қанчага ошди?

4.2014 йили топширилган умумий турар жой майдонининг қанча бўлими якка тартибдаги турар-жойларни куради?

5.Шаҳар кўп ҳонадонли турар-жой фондининг конструктив тури ва қаватлилиги бўйича умумий майдонга % структураси қандай?

6.Кўп ҳонадонли турар-жой фондининг эскириш даражаси бўйича структураси қандай?

7.Республикамиздаги умумий энергия истеъмолининг қанча бўлимини бино ва иншоотлар энергия истеъмоли ташкил этади?

8. ЕИ давлатларида қандай асосий тадбирлар натижасида бинолар энергия самарадорлигига эришилди?

9. МДХ давлатлари энергия тежаш сиёсати ҳолати қандай?

10. Бинолар энергия самарадорлигини ошириш муаммоларини очишнинг асосий перспектив йўналишлари нималардан иборат?

## IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

### 1-амалий: Қурилиш иссиқлик техникаси асослари. Иссиқлик узатиш усуллари

**Режа:**

1.1.Иссиқлик узатишнинг асосий тушунчалари.

1.2.Қурилиш материалларининг иссиқлик-техник хоссалари.

1.3.Тўсиқ конструкцияларини иссиқлик узатишга қаршилигини ҳисоблаш. Умумий тушунчалар.

**Калит сўзлар:** қурилиш иссиқлик техникаси, иссиқлик узатиш, иссиқлик ўтказувчанлик, тўсиқ конструкциялар, ҳисоблаш усуллари, намлик режими, намлик конденсацияси, буг ўтказувчанлик (паропроницаемостъ).

#### **1.1. Иссиқлик узатишнинг асосий тушунчалари**

Қурилиш физикаси ва иссиқлик техникасидан маълумки, бирор бир муҳитнинг ҳар хил жойида ҳароратлар бир-бирида фарқ қиласа ушбу муҳитда иссиқлик ҳаракати содир бўлади. **Муҳитдаги ҳароратлар фарқи-иссиқлик узатишнинг асосий шарти ҳисобланади.** Бунда юқори ҳароратдан паст ҳароратга иссиқлик узатилади.

Бинонинг ичи ва ташқарисидаги ҳароратлар фарқидан тўсиқ конструкциялари орқали иссиқлик узатилади. Қишида иситилган хонадан иссиқлик тўсиқ конструкциялари орқали ташқарига узатилади. Бунда бинода йўқотилган иссиқлик, бинодаги турли хил иситиш тизимлари орқали тўлдирилади. Ёз даврида бинода аксинча, иссиқлик узатиш ташқаридан бино ичига қараб бўлади. Бу шароитда бино ичидаги зарурий ҳарорат шамоллатиш ёки совутиш тизимлари орқали таъминланади.

**Иссиқлик узатиш уч хил қўринишда бўлади: иссиқлик ўтказувчанлик, конвекция ва нурланиш**

Иссиқлик узатиш қаттиқ, суюқ ва газсимон муҳитда иссиқлик ўтказувчанлик билан боғлиқ бўлиб, лекин у соф ҳолда қаттиқ (абсолют) жисмларда кузатилади.

Қаттиқ жисмлар (диэлектриклар) ва суюқларда энергия эластик тўлқинлар орқали, газларда – молекула ёки атомлар диффузияси, металларда электронлар диффузияси орқали узатилади. Кўпчилик қурилиш материаллари ғовакли жисм бўлгани учун, ғовакларда иссиқлик узатишнинг уч тури ҳам бўлиши мумкин; лекин иссиқлик техникаси ҳисоблашларида иссиқликни тарқалишини иссиқликни ўтказувчанлик қонуни асосида бўлади деб олиш мумкин.

Конвекция фақат суюқ ва газсимон мұхитда бўлиши мумкин. Суюқлик ёки газ заррасининг ҳаракати орқали иссиқликни узатилишига конвекция дейилади. Конвекция икки кўринишда бўлади:

-табиий, ҳароратлар фарқидан мұхит зарраларининг ҳаракати туфайли, мұхит зичлигининг ҳар хил бўлишидан;

-мажбурий, ташқи таъсирлар (мухитнинг аралашуви, вентилятор билан шамол ҳосил қилиниши ва ҳ.к.) натижасида мұхит зарраларининг ҳаракати.

Нурланиш газсимон мұхит ёки бўшлиқда рўй бериши мумкин. Иссиқлик нурланиши ўзаро нурланаётган сиртлар оралиғида электромагнит тўлқинлар орқали иссиқлик энергиясини узатишга асосланган. Бунда икки турдаги энергия: иссиқлик нурланган жисм сиртига, иссиқликни нурланиши ва иссиқ жисм сиртига, нурланган иссиқликни ютилиши тарзида бўлади.

Бино тўсиқ конструкциялари орқали иссиқликни узатиш асосан иссиқлик ўтказувчанлик орқали бўлади. Иссиқликни узатиш конвекция ва нурланиш орқали бўлиши конструкцияларни ички ва ташқи ҳаводан ажратиб турувчи жойларида, ҳаво қатламларида (воздушные прослойки) бўлади.

### Иссиқлик ўтказувчанлик

Иссиқлик ўтказувчанликнинг аналитик назарияси моддаларнинг молекуляр тузилишини инкор қилиб, уларни узлуксиз (сплошную) масса деб қарайди.

Иссиқлик ўтказувчанликнинг дифференциал тенгламасини келтириб чиқариш учун дастлаб бир ўлчовли масалани кўрамиз, яъни иссиқлик ҳаракатланиши координата ўқининг бир йўналишида бўлади, мисол учун чекланмаган узун текис девордан иссиқликни узатилиши. Бу девор орасидан чексиз кичик  $dx$  қалинликда қатlam олсак, бу қатламдаги ҳарорат  $dt$  катталигга ўзгарсин. Агар қатlam ҳарорати вақт бўйича ўзгармаса, стационар иссиқлик оқимида, бу қатламнинг  $1 \text{ m}^2$  юзасидан 1 соатда ўтган иссиқлик миқдори қўйидагича аниқланади:

$$Q_1 = -\lambda \frac{dt}{dx}, \quad (2.1)$$

бу ерда  $\lambda$  – мұхитнинг иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти,  $\text{Вт}/\text{м}\cdot\text{ч}\cdot\text{C}^0$ .

$dt/dx$  нисбат ҳарорат градиенти деб номланиб, унинг ўлчов бирлиги  $^0\text{C}/\text{м}$ . Формулада ўнг томонида минус ишора қўйилган, сабаби иссиқлик ҳаракати ҳароратнинг камайиш тарафига қараб йўналган бўлади (ҳарорат градиенти манфий).

Умумий ҳолда (ностационар иссиқлик узатиш ҳолатида) ажратилган қатламдан иссиқлик оқими ўтганда унинг катталиги ўзгаради. Иссиқлик

оқими катталигини қатламдан ўтишидаги ўзгаришини аниқлаш учун олдинги тенгламани  $dx$  бүйича дифференциаллаймиз ва қуидаги ифодани оламиз:

$$\frac{dQ_1}{dx} = -\lambda \frac{d^2 t}{dx^2} \quad (2.2)$$

Иссиқлик оқими катталигининг ўзгариши, қатламда вакт ўтиши билан ҳароратнинг ўзгариши натижасида иссиқликнинг ютилиши ёки чиқарилиши билан боғлиқ.  $dx$  қалинликдаги қатлам ҳароратини  $dt$  градусга  $dz$  вакт оралығыда ошириш учун зарур бўлган  $dQ_2$  иссиқлик мөкдори, қатламнинг иссиқлик сиғими  $c\gamma dx$  га тўгри пропорционалдир, яъни;

$$dQ_2 = -c\gamma dx \frac{dt}{dz} \quad (2.3)$$

бу ерда:  $c$  – қатлам материалининг солишишторма иссиқлик сиғими,  $\text{Вт}/\text{кг}\cdot^\circ\text{C}$ ;

$\gamma$  – материал зичлиги.

Тенгламадаги минус ишора қўйилиши сабаби, қатламда ҳароратнинг ортиши унга иссиқликни ютилиши ёки иссиқлик оқими катталигининг камайиши ( $dQ_2$  – манфий катталик) билан боғлиқ.

Охирги тенгламани хусусий дифференциал кўринишида қуидагида ёзиш мумкин:

$$\frac{\partial Q_2}{\partial x} = -c\gamma \frac{\partial t}{\partial z} \quad (2.4)$$

Ушбу тенглама қатлам қалинлиги бўйича йиғилган иссиқлик натижасида иссиқлик оқими катталигини ўзгаришини кўрсатади.

Иссиқлик оқими катталигининг ўзгариши, қатламда иссиқлик манбаси йўқ ҳолда, қатламнинг иссиқлик ютиши оқибатида бўлиб,  $\frac{dQ_1}{dx}$  ва  $\frac{\partial Q_2}{\partial x}$  катталиклар ўзаро тенг бўлиши, бу ҳолда (2.2) ва (2.4) тенгламалардан қуидаги ифодани ёзамиз:

$$\frac{\partial t}{\partial z} = \frac{\lambda}{c\gamma} \cdot \frac{\partial^2 t}{\partial x^2} \quad (2.5)$$

Ушбу ифода иссиқлик ўтказувчанликнинг дифференциал тенгламаси бўлиб, иссиқликни бир координат ўқи бўйлаб бир вактдаги ҳаракатини ифодалайди.  $\lambda/c\gamma$  – катталик материалининг ҳарорат ўтказувчанлик коэффициенти (коэффициента температуропроводности) деб номланиб  $a$  ҳарфи билан белгиланади, ўлчов бирлиги  $\text{м}^2/\text{ч}$ .

(2.5) формулатанинг физик маъноси қуидагида изоҳланади. Тенгламанинг чап қисми муҳит ҳароратининг вакт бўйича ўзгаришини ифодалайди. Тенглама ўнг томонидаги дифференциал ҳарорат градиентининг фазовий ўзгаришини кўрсатади. Демак, (2.5) тенглама, муҳитнинг ҳар бир нуқтасидаги ҳароратнинг вакт бўйича ўзгариши, ҳарорат градиентининг фазовий ўзгаришига пропорционал эканлигини кўрсатади. Ҳарорат

ўтказувчанлик коэффициенти  $a = \frac{\lambda}{c_y}$ , пропорционаллик коэффициенти бўлиб, унинг физик маъноси шундан иборатки, у муҳитнинг ҳар хил нуқталарида ҳароратнинг тенглашиш тезлигини характерлайди.  $a$  миқдори қанча катта бўлса, жисм нуқталари совуши ёки исишида, шунча тез бир хил ҳароратга келади.

Умумий ҳолда иссиқлик ҳаракати барча йўналишларда (координати ўқининг уч ўқи бўйлаб) бўлиши мумкин, бу ҳолда иссиқлик ўтказувчанликнинг дифференциал тенгламаси қўйидаги кўринишда бўлади:

$$\frac{\partial t}{\partial z} = a \left[ \frac{\partial^2 t}{\partial x^2} + \frac{\partial^2 t}{\partial y^2} + \frac{\partial^2 t}{\partial z^2} \right] \quad (2.6)$$

### Конвекция орқали иссиқлик узатиш

Суюқлик ёки газлар ва қаттиқ жисм сирти орқали иссиқлик алмашуvida конвекция билан бир вақтда суюқ ёки газсимон муҳитда иссиқликни узатиш иссиқлик ўтказувчанлик орқали ҳам бўлади. Конвекция ва иссиқлик ўтказувчанликнинг бир вақтда бўлиши «конвектив иссиқлик алмашинув» деб номланади.

Конвекцияда иссиқликни узатиш суюқлик ёки газларнинг моляр кўчиши билан боғлиқ бўлиб, бу турдаги иссиқлик узатиш ҳодисасини жуда мураккаблаштиради. Конвекция йули билан узатилган иссиқлик миқдори, суюқлик ёки газсимон муҳитнинг ҳаракат характерига, унинг зичлигига, қовушқоқлигига (вязкость) ва ҳароратига, қаттиқ жисм сирти ҳолатига, суюқликлар ёки газлар ҳароратлари фарқига ва сиртига ва ҳ.к. ларга боғлиқ бўлади. Конвектив иссиқлик алмашув жараёrlарини ўрганишда тажрибалар катта аҳамиятга эга бўлиб, унинг натижаларини ўхшашликлар назариясидан фойдаланиб қайта ишланади.

Амалий ҳисоблашларда суюқлик ёки газ ва қаттиқ жисм сиртидаги конвектив иссиқлик алмашинувда иссиқлик миқдорини ( $\text{Вт}/\text{ч}$ ), аниқлашда қўйидаги формуладан фойдаланилади:

$$Q = \alpha_k F (t_b - t_n) \quad (2.7)$$

бу ерда:  $F$  – қаттиқ жисм сирти,  $\text{м}^2$ ;  $t_b$  – суюқлик ёки газ ҳарорати,  $^0\text{C}$ ;  $t_n$  – сирт ҳарорати,  $^0\text{C}$ ;  $\alpha_k$  – конвектив иссиқлик узатиш коэффициенти,  $\text{Вт}/\text{м}^2 \cdot \text{ч} \cdot ^0\text{C}$ .

Конвектив иссиқлик узатиш коэффициенти  $\alpha_k$ , суюқлик ёки газдан  $1 \text{ м}^2$  қаттиқ жисм сиртига, суюқлик ёки газ ва сирт ҳароратлари фарқи  $1^0$  бўлганда узатиладиган иссиқлик миқдорини ( $\text{Вт}$ ) кўрсатади.

(2.7) формуласи қўллашда асосий эътибор  $\alpha_k$  ни танлашга қаратилади.

$\alpha_k$  – катталик миқдорини аниқлашда конвектив иссиқлик алмашинувининг турли ҳолатлари учун бир қанча эмпирик формулалар

тавсия қилинган, лекин уларни қўлланиш чегаралари чекланган. а<sub>к</sub> ни аниқлаш яхши натижалар беради агарки, иссиқлик узатишнинг дифференциал тенгламасидан келиб чиқадиган, «ўхшащликлар критерияси» дан фойдаланиб топилса. Тажрибалар натижаларини қайта ишлашда, алоҳида таъсир қилувчи факторларни гуруҳлаш билан комплекс катталиклар (ўлчамсиз критериялар)га ўтиш, тажриба натижаларини кенг кўламда қўллашга ва а<sub>к</sub> нинг ишончли қийматларини олишга имконият яратади.

### **Нурланиш орқали иссиқлик узатиш**

Бирор бир жисмни қиздирганда иссиқлик энергиясининг бир бўлаги унинг сиртида нурланиш энергиясига айланади. Сиртдаги иссиқлик нурланиши ёруғлик нурланишига ўхашаш бўлиб, ундан тўлқин узунлиги билан фарқ қиласди. Кўринадиган ёруғлик нурлари тўлқин узунлиги 0,4 дан 0,8 μ гача, иссиқлик (инфракизил) нурлари – 0,8 дан 800 μ гача. Тарқалиш қонунлари, қайтиш ва синиш хоссалари кўринадиган ёруғлик нурлари ва иссиқлик нурлари учун бир хилда бўлади.

Агар бирор бир жисм сиртига қандайдир миқдорда иссиқлик нурлари тушса, умумий ҳолда, унинг бир қисми жисмга ютилади ва уни қиздиради, бир қисми ундан қайтади, бир қисми эса жисм ичидан ташқарига ўтиб кетади. Агар жисм сирти тушаётган нур энергиясини қайтармасдан тўлиқ ютиб, уни жисм ҳароратини оширишга тўлиқ сарфласа – бундай жисм **абсолют қора жисм** дейилади. Агар жисм сирти тушаётган нур энергиясини тўлиқ қайтарса - бундай жисм **абсолют оқ жисм** дейилади. Агар барча нур энергияси жисм сиртига тушиб ундан тўлиқ ўтиб унинг ҳароратини кўтартмаса бундай жисм абсолют ўтказувчан (прозрачным) ёки **диатермик** жисм дейилади.

Жисм сиртидаги иссиқлик нурланишининг интенсивлиги унинг ҳарорати ва жисмнинг иссиқликни нурлантириш қобилиятига боғлиқ бўлади. Жисмнинг иссиқлик нурланишини ютиш қобилияти қанча катта бўлса, у шунча иссиқликни нурлантиради, демак, абсолют қора жисм максимал нурлантириш қобилиятига эгадир. Қурилиш материаллари кўп ёки кам миқдорда иссиқликни нурлантириш қобилиятига эга бўлиб, лекин ҳар доим абсолют қора жисмдан кам нурлантирадилар; бундай жисмларни кулранг (серыми) дейилади.

#### **1.2. Қурилиш материалларининг иссиқлик техник хоссалари.**

Қурилиш материаллари турли хоссаларга эга бўлиб, уларнинг қўпчилиги иссиқлик техникаси ҳисоблашларида зарур бўлади. Иссиқлик техникаси ҳисоблашларининг аниқлиги кўп даражада қурилиш материалларининг иссиқлик техника хоссаларини тўғри танланишига боғлиқ бўлади.

Қурилиш материалларининг асосий иссиқлик техника кўрсаткичлари ва бу катталикларга таъсир этувчи факторларни кўрамиз.

### **Ғоваклик ва зичлик.**

Жуда кўпчилик қурилиш материаллари – ғовакли жисмлардир.

Ғоваклик материалдаги ғоваклар ҳажмини фоизларда ( $\rho$  в %) аниқлаб, ғоваклар ҳажмининг материал умумий ҳажмига нисбатида топилади.

Материал зичлиги  $\gamma$  кг/м<sup>3</sup>, 1 м<sup>3</sup> материалдаги массани ифодалаб, қурилишда ишлатиладиган ҳолати бўйича белгиланади.

Зичлик, ҳарорат ўтказиши (температуропроводности) коэффициентини, бир қатор бошқа формуулалар ва иссиқлик техникаси ҳисоблашлари тенгламалари ва тўсиқ конструкцияларини намлик режими ҳисоблашларида ишлатилади. Бундан ташқари зичлик қурилиш иссиқлик техникасида материал хоссаси сифатида катта аҳамиятга эга бўлиб, унинг иссиқлик ўтказувчанлигини баҳолашда ишлатилади.

Қурилиш материаллари учун зичлик 2800 кг/м<sup>3</sup> дан (гранит учун) 90 кг/м<sup>3</sup> (енгил толали материаллар) гача ўзгаради. Пенополистирол материали учун зичлик 20 кг/м<sup>3</sup> гача камаяди.

Қурилиш материалларининг солиштирма оғирлиги g қўйидаги оралиқларда ўзгаради: неорганик материаллар учун 2400 дан 2800 кг/м<sup>3</sup> гача, органик материаллар учун 1450 дан 1560 кг/м<sup>3</sup> гача.

Агар материал солиштирма оғирлиги g, ва унинг зичлиги  $\gamma$  маълум бўлса, ғоваклик катталиги қўйидаги формуладан аниқланади:

$$\rho = \frac{g - \gamma}{g} 100 \quad (2.8)$$

Материалнинг маълум бир солиштирма оғирлигига унинг ғоваклиги катта, зичлиги қанчалик кичик бўлса ғоваклик катта ва аксинча бўлади. Силикат қурилиш материаллари учун ғоваклик нольдан (зич материаллар, масалан нранит) то 90% (пенобетон) гача ўзгаради. Пенополистирол ғоваклиги 98% га teng.

### **Намлик**

Материалда намлик химик боғланмаган сув билан боғлиқ бўлади. Намлик материалнинг иссиқлик ўтказувчанлик ва иссиқлик сифимига катта таъсир кўрсатади, ҳамда тўсиқ конструкциясининг намлик режимини баҳолашда катта аҳамиятга эга. Намликни «намлик оғирлиги» ёки «ҳажмий намлик» ҳолида қўллаш мумкин.

Намлик оғирлиги  $\omega_B$  фоизларда ифодаланиб, материал намунасидаги сув массасини, намуна қуруқ ҳолидаги массасига нисбати каби топилади:

$$\omega_B = \frac{\rho_1 - \rho_2}{\rho_2} 100, \quad (2.9)$$

бу ерда  $\rho_1$  – материал намунасининг қуритишгача бўлган массаси;  $P_2$  – қуритилгандан кейинги масса.

Ҳажмий намлик  $\omega_0$  фоизларда ифодаланиб, материалдаги намлик ҳажмини унинг ҳажмига нисбати каби аниқланади

$$\omega_0 = \frac{V_1}{V_2} 100, \quad (2.10.)$$

бу ерда  $V_1$  – материал намунасида мавжуд сув ҳажми,  $V_2$  – намуна ҳажми.

Материал намлигини ифодалаш кўпроқ оғирлик фоизларида кенг тарқалган, чунки оғирлик намлигини аниқлаш, ҳажмий намлиқдан осонроқ.

Агар материал зичлиги  $\gamma$  ва унинг оғирлик намлиги  $\omega_b$  маълум бўлса, унинг ҳажмий намлиги  $\omega_0$  қуидаги формуладан аниқланади:

$$\omega_0 = \frac{\omega_b \gamma}{1000}, \quad (2.11)$$

бу ерда  $\gamma$  – материалнинг қуруқ ҳолдаги зичлиги,  $\text{kg/m}^3$ .

Тўсиқ конструкцияларда қурилиш материали ҳеч қачон абсолют қуруқ ҳолда учрамайди, аксинча бирмунча намликка эга бўлиб, унда сўрилиш ва сув буғи конденсацияси жараёнлари кетади. Тўғри лойиҳаланган ва нормал эксплуатация қилинаётган бинода материалда бўлиши мумкин бўлган намлик «нормал намлик» дейилади.

### Иссиқлик ўтказувчанлик.

Иссиқлик ўтказувчанлик бу материалнинг у ёки бу даражада иссиқликни ўзининг массасидан ўтқазиш қобилиятидир. Материалнинг иссиқлик ўтказувчанлик даражаси иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти  $\lambda$  билан характерланади.

Иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти  $\lambda$  ни тасаввур қилиш учун, қалинлиги  $\delta$  м, юзаси  $F$   $\text{m}^2$ , бир жинсли текис девор (икки параллел текислик орасидаги)ни кўрамиз. Агар девор сиртларидаги ҳароратлар мос равища  $\tau_1$  ва  $\tau_2$ , бунда  $\tau_1 > \tau_2$ , девордан мувозанатлашган иссиқлик оқими (девор сиртларидаги ҳароратлар доимий сакланган ҳолда)  $z$  соатда ўтса, девордан ўтувчи иссиқлик миқдори  $Q$ , Вт қуидагича аниқланади:

$$Q = (\tau_1 - \tau_2) F z \frac{\lambda}{\delta} \quad (2.12)$$

Агар  $Q$  катталиги маълум бўлса, (2.12) формуладан  $\lambda$  ни аниқлаш мукин:

$$\lambda = \frac{Q \delta}{(\tau_1 - \tau_2) F z} \quad (2.13)$$

Агар  $\delta=1$  м,  $F=1$   $\text{m}^2$ ,  $(\tau_1 - \tau_2)=1^0$  ва  $z=1$  соат бўлса (2.13) формуладан  $\lambda=Q$ , яъни иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти - қалинлиги 1 м, юзаси 1

$\text{m}^2$ , сиртидаги ҳароратлар фарқи  $1^0$  бўлганда 1 соат давомида девордан ўтган иссиқлик микдори (Вт) ни кўрсатар экан.

(2.13) формулага кирувчи барча катталиклар ўлчамларини қўйсак иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти  $\lambda$  Вт/м·ч· $^0\text{C}$  нинг ўлчам бирлигини оламиз.

Курилиш материалларининг иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти  $\lambda=0,035$  (пенополистирол) дан  $\lambda=3$  Вт/м·ч· $^0\text{C}$  (гранит) гача оралиқда ўзгаради. Металлар янада кўпроқ иссиқлик ўтказувчанлик коэффициентига эга: пўлат  $\lambda=50$ , алюминий  $\lambda=190$  Вт/м·ч·град.

Иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти бир турдаги материал учун доимий эмас. У материалнинг зичлиги, намлиги, ҳарорати ва иссиқлик оқими йўналишига қараб ўзгариши мумкин.

### **Иссиқлик ўтказувчанлик коэффициентининг материал зичлигига боғлиқлиги.**

Зичликни ортиши билан (ғовакликни камайиши) иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти ортади ва аксинча зичликни камайиши билан (ғовакликни ортиши) иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти камаяди. Иссиқлик ўтказувчанлик коэффициентининг ўзгариши курилиш материалларининг зичлиги ўзгаришидан келиб чиқади. Чунки ҳар қандай материал асосий моддаси – склет (кварц, калцит, глинозем ва ҳ.к.) ва унинг ғовакларида мавжуд бўлган ҳаводан иборат бўлади. Абсолют зич материалнинг иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти (ғоваклик нолга teng) қўйидаги қийматларга эга:

Органик материаллар	От 0,25 до 0,35 Вт/м·ч· $^0\text{C}$
ноорганик	2,8
Кристалли материаллар	От 4 до 6
Кристалли, лекин иссиқлик оқими кристалл текисликка параллел	12
Пластмассалар	От 0,15 до 0,3

Материал ғовакларидаги ҳавонинг иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти асосий материал иссиқлик ўтказувчанлик коэффициентидан жуда кичик бўлиб, ғовак ўлчами ва шаклига боғлиқ. Масалан  $\lambda=0,021$  ғовак ўлчами 0,1 мм дан  $\lambda=0,027$  ғовак ўлчами 2 мм гача бўлганда. Материалнинг ўзининг иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти материал асосий моддаси ва ғоваклардаги ҳавонинг иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти орасида бўлади. Материалда ғоваклар қанча кам бўлса, унинг зичлиги шунча юқори ва иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти юқори ва аксинча.

## **Материал иссиқлик ўтказувчанлик коэффициентининг намликка боғлиқлиги.**

Материал намлиги унинг иссиқлик ўтказувчанлик коэффициентига юқори даражада таъсир қиласи. Материал намлигининг ошиши билан иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти кескин ошади.

Материал намлигини ошиши билан унинг иссиқлик ўтказувчанлик коэффициентининг ошиши қўйидагича изоҳланади, унинг ғовакларида бўлган сувнинг иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти  $\lambda=0,5$  бўлиб у ўртacha ўлчамдаги ғовакдаги ҳавонинг  $\lambda$  дан 20 марта катта. Бундан ташқари материал ғовагидаги намлик материал зарралари билан контакт юзаларни оширади, шунинг учун унинг иссиқлик ўтказувчанлик коэффициентини оширади.

Кам намлиқда иссиқлик ўтказувчанлик коэффициентини катта интенсивликда ўсиши шу билан изоҳланадики, материал намланганда олдин майда ғовак ва капиллярлар тўлади. Майда капиллярларнинг материал иссиқлик ўтказувчанлик коэффициентига таъсири йирик ғовакларнидан кўпроқ бўлади. Агар нам материал музласа унинг иссиқлик ўтказувчанлик коэффициентини кескин ошади. Чунки музнинг иссиқлик ўтказувчанлик коэффициентини  $\lambda=2$ , у сувнидан 4 марта, материал ғовагидаги ҳавоникидан 80 марта каттароқdir. Лекин шуни эътиборга олиш керакки, материал ғовагидаги сувнинг музлаши ҳарорат  $0^{\circ}$  дан пастда бўлади. Бунда ғовак ўлчами қанча кичик бўлса, нам материалда ғовақдаги сув шунча паст ҳароратда музлайди.

Пишиқ ғиштли теримда 0-3 % оралиғидаги намлиқда, намликни 1 % га ортиши терим иссиқлик ўтказувчанлик коэффициентини 34 % га, керамзитобетонда 8 % га оширади. Органик материаллардаги бундай боғланиш минерал материалларга қараганда бошқача бўлади.

## **Қурилиш материалларининг ҳисобий иссиқлик ўтказувчанлик коэффициентини танлаш.**

Материалларнинг иссиқлик техникаси ҳисоблашларини бажаришда иссиқлик ўтказувчанлик коэффициентларини танлаш энг қийин ва маъсулиятли қисм ҳисобланади. Бунда асосий ролни иссиқлик техникаси ҳисоблашларини бажарувчи шахснинг тажрибаси ўйнайди. КМК 2.01.04-97\* «Қурилиш иссиқлик техникаси» да ҳар бир материалнинг қуруқ, нормал ваюқори намлиқдаги ҳолати учун иссиқлик ўтказувчанлик коэффициентини қийматлари берилади.  $\lambda$  қийматини танлаш хонадаги ҳаво нисбий намлигидан ва қурилиш районининг намлик-иқлим характеристикасидан келиб чиқиб олинади. Бу эса иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти танлашни аниқлаштиради.

## **Иссиқлик сифими**

Иссиқлик сифими – бу материалнинг ҳарорат күтарилигданда иссиқликни ютишидир. Иссиқлик сифимининг кўрсаткичи бу материалнинг солиширима иисиқлик сифимиdir с. Солиширима иссиқлик сифими 1 кг материални бутун массасини ҳароратини  $1^0$  га ошириш учун сарфланган иссиқлик миқдори. Солиширима иссиқлик сифими ўлчов бирлиги  $\text{кДж}/\text{кг}\cdot{}^0\text{C}$ .

Қурилиш материаллари учун солиширима иссиқлик сифими  $c=0,18$  (минералвата плита)  $c=0,6 \text{ кДж}/\text{кг}\cdot{}^0\text{C}$  (ёғоч). Энг катта солиширима иссиқлик сифими сувда бўлади ( $c=1$ ), пўлатники  $c=0,115 \text{ кДж}/\text{кг}\cdot{}^0\text{C}$ .

Материалнинг солиширима иссиқлиқ сифими унинг намлиги билан боғлиқ бўлади. Материал намлигининг ортиши билан солиширима иссиқлиқ сифими ортади, чунки унинг таркибидаги сувниг солиширима иссиқлиқ сифими материалнидан юқори бўлади.

### **1.3. Тўсувчи конструкцияларни иссиқлик ўтказувчаникка қаршилигини ҳисоблаш**

Муракқаб тўсувчи конструкцияларни иссиқлик техникаси ҳисобидан мақсад – қабул қилинган материалларнинг шакли, ўлчамлари, иссиқлик физикаси тавсифларини инобатга олиб, иссиқлик оқимлари ва ҳароратини тақсимлаш ҳамда конструкциянинг мос шароитлардаги меъёрий маълумотларини қониқтиришини текширишдан иборат.

Бинолардаги иссиқлик ҳимоясига қўйиладиган талабларнинг ортиши тўсувчи конструкцияларнинг конструктив ечимларини тубдан қайта кўриб чиқиш, эксплуатация шароитларини ҳисобга олиб иссиқлик ҳимояси материалларни тўғри танлашни талаб этади. Шу билан бирга лойиҳалаш ташкилотларининг намунавий ечимларни қўллашга ўрганган ходимлари қабул қилинадиган ечимларни қурилиш теплотехникаси нуқтаи назаридан таҳлил қилмай кўйганлар. Бу ҳолат самарали бўлмаган тўсувчи конструкциялар ечимларининг пайдо бўлишига олиб келади, улардаги иссиқлик ҳимояси сифатлари ва бардавомлик хуссиятларини сақланиб қолинганлиги шубҳа туғдиради.

Афсуски, даврий илмий нашрларда кўпинча тўсувчи конструкцияларни лойиҳалаш ҳақидаги машҳур тасаввурларга зид (илмий жиҳатдан асосланмаган) мақолалар пайдо бўла бошлади. Хусусан, бу ҳол исистиш қатламини ташқи томондан эмас, тўсиқнинг ички томонидан жойлаштиришга ҳам таалуклидир. Қурилиш иссиқлик техникаси қоидаларига кўра бу ҳолатга цўл қўйилмайди, сабаби қишки шароитларда қатламлар чегарасида конденсат пайдо бўлишига ва иситгич қатламида намлик тўпланишига олиб келади. Маълумки, иссиқлик ҳимояси материалларининг намлигини ортиши тўсувчи конструкцияларнинг иссиқлик

ҳимоя ва умрбоқийлиги сифатларини пасайишига олиб келади. Замонавий қурилиш шароитида турли тўсувчи конструкцияларда янги, кам ўрганилган, ҳар доим ҳам самарали бўлмаган материаллар кенг қўлланила бошлангани сабабли қурилиш иссиқлик техникаси қоидалари ҳақидаги билимга эга бўлиш катта аҳамиятга эга. Иссиқлик ҳимоясига талаблар ошган шароитда тўсувчи конструкциялардаги иссиқлик узатилиши ҳақидаги асосий мумтоз тасаввурлар ва тушунчаларни баён этишни мақсадга мувофиқ деб ҳисобладикдир.

К.Ф. Фокин, О.Е. Власов, Б.Ф. Васильев, А.М. Шклевер сингари олимлар қурилиш физикаси фанининг бир бўлими бўлиб ҳисобланадиган қурилиш иссиқлик техникаси яратилишига улкан ҳисса қўшганлар. В.Н. Богословский, О.Е. Власов, В.М. Ильинский, Х. Н. Нуридинов, И.С. Суханов, Ю.А. Табунщиков ва бошқалар қурилиш иссиқлик техникаси назарияси ва амалиётининг янада ривожланишига катта ҳисса қўшганлар.

Мазкур бўлимда профессор К.Ф. Фокиннинг қурилиш иссиқлик техникаси жиҳатларини ёритувчи “Биноларнинг тўсувчи конструкцияларининг иссиқлик техникаси” номли илмий асаридан маълумотлар келтирамиз.

**Иссиқлик техникаси биноларнинг тўсувчи конструкциялари орқали иссиқлик узатилиши ва ҳаво ўтишини ҳамда тўсувчи конструкциялардаги иссиқлик узатилиши жараёнлари билан боғлиқ намлик тартибини ўрганиш билан боғлиқ.**

Биноларнинг тўсувчи конструкцияларининг иссиқлик техникаси сифатларига қуйидагилар боғлиқ:

- исистиладиган биноларда - қиши мавсумида бино томонидан йўқотиладиган иссиқлик миқдори;
- иситиш тизими орқали иссиқлик нотекис узатилишида бинодаги вақт мобайнида ҳаво ҳароратининг доимийлиги;
- ёз мавсумида бинони қизиб кетишдан ҳимоялаш;
- тўсиқда конденсат ҳосил бўлишдан сақлашни кафолатловчи тўсиқ ички юзасининг ҳарорати;
- тўсувчи конструкциянинг иссиқлик сифати ва умрбоқийлигига таъсирини ўтказувчи намлик тартиби;

Иссиқлик узатилиши вақтидаги содир бўладиган жараёнлар ҳақида аниқ тасаввурга ҳамда мос ҳисоблаш ишларидан фойдаланиш кўнимасига эга бўлибина лойиҳачилар ташки тўсувчи конструкцияларнинг иссиқлик техникасига доир сифатларини таъминлашлари мумкин.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, бирорта муҳитда иссиқлик ҳаракатланиши учун унинг алоҳида джойларидаги ҳарорат турлича бўлиши

лозим. **Мұхитдаги ҳароратлар фарқи – ундағы иссиқлик узатилишининг зарурий шарти бўлиб, бунда иссиқлик нисбатан паст ҳароратга қараб силжийди.** Бинонинг ички ва ташқи томонидаги ҳаво ҳароратининг фарқи мавжуд бўлган ҳолларда иссиқлик ташқи тўсувчи конструкциялар орқали узатилади. Қишида иситиладиган биноларда иссиқлик ташқи тўсиқлар орқали бинодан чиқиб кетади; бунда бино тмонидан йўқотиладиган иссиқлик ўрнини иситиш мосламалри орқали узатиладиган иссиқлик билан тўлдирилади. Ёз кунларида иссиқлик тескари йўналишда, яъни бино ичига узатилади. Улардаги ҳаво ҳарорати ҳавони шамоллатиш ёки кондиционерлаш тизмлари ёрдамида сақлаб турилади.

**Иссиқлик узатилишининг учта тури фарқланади: иссиқлик ўтказувчанлик, конвекция ва нурланиш орқали.**

Иссиқлик ўтказувчанлик орқали иссиқлик узатилиши қаттиқ, суюқ ва газсимон мұхитларда содир бўлади, лекин соф ҳолда яхлит қаттиқ жисмлардагина иссиқлик узатилади.

Конвекция фақатгина суюқ ва газсимон мұхитларда кузатилади.

Нурланиш газсимон мұхитда ёки бўшлиқда содир бўлади.

**Биноларнинг тўсувчи конструкциялари орқали иссиқлик узатилиши асосан иссиқлик ўтказувчанлик орқали амалга оширилади. Конвекция ва нурланиш орқали иссиқлик ҳаво қатламлари ҳамда конструкцияни ташқи ва ички ҳаводан ажратувчи юзалар олдида узатилади.**

**Иссиқлик узатилишининг стационар шароитлари тўсиқнинг иссиқлик оқими ва ҳароратининг вақт бўйича доимийлиги билан тавсифланади.**

**Иссиқлик узатилишининг стационар таркибида барча иссиқлик техникаси ҳисоблари анча соддалашади.** Шу сабабли, биноларнинг ташқи тўсувчи конструкцияларининг иссиқлик техникаси ҳисобларида иссиқлик стационар иссиқлик оқимида узатилади деб қабул қилинади. Айрим ҳолларда, стационар шароитлар учун амалга оширилган ҳисоблаш натижалари ҳақиқийларидан кескин фарқ қиласа, вақт бўйича иссиқлик оқими ва тўсувчи конструкция ҳароратининг ўзгариши ҳисобга олинади.

Тўсиқ орқали ўтадиган иссиқлик микдори тўсиқнинг иккала томонидаги ҳарорат, тўсиқ юзаси ва иссиқлик узатиладиган вақт фарқига пропорционал бўлади. Бундан ташқари, тўсиқнинг иссиқлик техникаси хоссаларига ҳам боғлиқ бўлади. Тўсиқ томонидан ўтказиадиган иссиқлик микдори қуидаги формуладан аниқланади:

$$Q=k(t_b-t_h)Fz, \quad (2.14)$$

бу ерда:  $t_b$  – тўсиқнинг ички томонидаги ҳаво ҳарорати;

$t_h$  – тўсиқнинг ташқи томонидаги ҳаво ҳарорати;

$F$  – тўсувчи конструкциялари майдони,  $m^2$ ;

$z$  – иссиқлик узатилиши вақти, соатларда;

$k$  – тўсиқнинг иссиқлик техникаси хоссаларига боғлиқ иссиқлик узатилиши коэффициенти;

Тўсиқнинг иссиқлик узатилиши коэффициентининг физикавий мазмунини аниқлаштириш учун (2.14) формуладаги  $t_b - t_h = 1^0$ ,  $F = 1 \text{ m}^2$ ,  $z = 1\text{c}$  деб оламиз, у ҳолда  $k = Q$  га teng. Демак, тўсиқдаги иссиқлик узатилиши коэффициенти иссиқлик миқдори билан Вт да ўлчанади, бу иссиқлик миқдори 1 соат мобайнида тўсиқнинг  $1 \text{ m}^2$  юзасидан тўсиқнинг иккала томонидаги ҳаво ҳароратидаги фарқ  $1^0$  га teng бўлга ҳолда ўтади. Иссиқлик узатилиши коэффициенти ўлчов бирлиги -  $\text{Bt}/\text{m}^2 \cdot \text{ч} \cdot {}^0\text{C}$ . (2.14) формуласи бинони иситишни лойиҳалашда хоналар томонидан йўқотиладиган ссиқлик миқдорини хисоблаш асосида ётади.

Тўсиқларнинг иккала томонидаги ҳаво ҳарорати ўрнига тўсиқнинг юзасидаги ҳароратлар маълум бўлса, у ҳолда (2.14) формула қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$Q = \Lambda(t_b - t_h)Fz, \quad (2.14a)$$

бу ерда:  $t_b$  – тўсиқнинг ички юзасининг ҳарорати;

$t_h$  – тўсиқнинг ташқи юзасининг ҳарорати;

$\Lambda$  – тўсиқнинг иссиқлик техникаси хоссаларига боғлиқ бўлган тўсиқнинг иссиқлик ютиш коэффициенти.

Иссиқлик ютиш коэффициентининг ўлчов бирлиги ( $\text{Bt}/\text{m}^2 \cdot \text{ч} \cdot {}^0\text{C}$ ) иссиқлик узатилиши коэффициенти ўлчов бирлиги билан бир хил, улар орасидаги фарқ шундан иборат-ки,  $k$  тўсиқнинг иккала томонидаги ҳароратлар фарқига,  $\Lambda$  эса тўсиқнинг иккала юзасидаги ҳароратлар фарқига таалуклидир.

Тўсиқ орқали ўтувчи иссиқлик оқими, айрим қаршиликка учрайди, бу қаршилик иссиқлик узатилиши коэффициентига тескари ўлчам бўлиб, иссиқлик узатилишига қаршилик номини олган ва  $R_0$  деб белгиланади. Шундай қилиб,  $R_0 = 1/k$  ва аксинча  $k = 1/R_0$ ; демак,  $R_0$  нинг ўлчов бирлиги  $\text{m}^2 \cdot {}^0\text{C}/\text{Bt}$  га teng.


Тўсиқнинг иссиқлик узатилишига кўрсатадиган қаршилиги тўсиқнинг ички ва ташқи томонидаги ҳаво ҳарорати фарқи билан ифодаланади, унда  $1 \text{ m}^2$  юза орқали ўтадиган иссиқлик оқими  $1 \text{ Bt}/\text{ч}$  га teng бўлади.

$R_0$  қанчалик катта бўлса, тўсиқнинг ички ва ташқи томонидаги ҳаво ҳароратининг фарқи шунчалик катта бўлади ҳамда ундан ўтувчи иссиқлик оқими  $1 \text{ Bt}/\text{m}^2 \cdot \text{ч}$  га teng бўлади. Демак,  $R_0$  тўсиқнинг иссиқлик ҳимояси хоссаларини баҳоловчи катталиkdir.

Тўсиқнинг иссиқлик ютиши коэффициентига тескари катталик унинг термик қаршилиги  $R$  деб аталади; шундай қилиб,  $R=1/\Lambda$  ва аксинча  $\Lambda=1/R$ . Термик қаршилик ўлчов бирлиги  $^{\circ}\text{C} \cdot \text{м}^2 \cdot \text{ч}/\text{Вт}$  иссиқлик узатилиши қаршилиги ўлчов бирлиги билан бир хил, фарқ шундан иборат-ки,  $R_0$  иссиқлик узатилиши қаршилиги  $R_0$  тўсиқнинг ички ва ташқи томонидаги ҳаво ҳарорати фарқи билан ифодаланади, термик қаршилик  $R$  – тўсиқнинг ички ва ташқи юзаларидағи ҳаво ҳароратининг фарқи билан ифодаланади. Биноларнинг ташқи тўсувчи конструкцияларини лойиҳалашда иқтисодий жиҳатдан  $R_0$ нинг энг катта қийматларини бериш мақсадга мувофиқ, демак,  $k$  нинг кичик қийматлари бинони иситишга кетадиган сарф-ҳаражатларни камайтиради ва ундандағи энг яхши санитар-гигеник шароитларни яратади.

Ташқи тўсувчи конструкцияларни иссиқлик техникаси ҳисобларида  $k$  ни эмас,  $R_0$  қийматини аниқлаш қулайроқ, чунки бу ҳолатда мос формулалар нисбатан содда кўринишга эга бўлади. Шу сабабли бундан кейин тўсиқ томонидан иссиқлик оқимига кўрсатиладиган қаршиликлар ифодаларидан фойдаланамиз.

Тўсиқнинг ички ва ташқи томонидаги ҳаво ҳароратларининг фарқида ҳарорат чизиги бетиним пасайиб боради. 2.1-расмда ясси бир хил таркибли девор орқали иссиқлик оқимини ўтиш жараёнидаги ҳароратнинг график ўзгариши кўрсатилган.



2.1-расм. Бир хил таркибли деворда ҳароратнинг ўзгариши.

Деворнинг ички томонидаги ҳаво ҳарорати  $t_{\text{в}}\text{-га}$ , ташқи томонидаги ҳаво ҳарорати  $t_{\text{н}}\text{-га}$  тенг, бунда  $t_{\text{в}}>t_{\text{н}}$ .

Ҳарорат чизиги ҳароратнинг тушиши нафақат деворнинг ичида, балки унинг юзасида ҳам содир бўлишини кўрсатади, чунки деворнинг ички юзасидаги ҳарорат  $t_{\text{в}}<t_{\text{в}}$  ва ташқи юза ҳарорати  $t_{\text{н}}<t_{\text{н}}$ . **Иссиқлик оқими ўтиши мобайнида ҳароратнинг тушиши термик қаршилик деб аталгани сабабли, ҳарорат эгри чизигидан кўриниб турибди-ки, тўсиқнинг иссиқлик узатишига кўрсатадиган қаршилиги учта алохида қаршилиқдан иборат бўлади:**

тўсиқнинг ички томонидаги ҳавосидан иссиқликни тўсиқнинг ички юзасига ўтишидаги қаршиликлар; бу қаршилик иссиқлик қабул қилишига кўрсатиладиган қаршилик  $R_b$  деб аталади ва  $t_b - t_h$  га тенг ҳарорати ўзгаришини пайдо қиласди;

тўсиқ қалинлиги орқали иссиқлик ўтишига кўрсатиладиган қаршилик; тўсиқнинг термик қаршилиги  $R$  деб аталади ва  $t_b - t_h$  га тенг ҳарорат ўзгаришини пайдо қиласди;

ташқи юзадан ташқи ҳавога иссиқлик ўтишига кўрсатиладиган қаршилик; бу қаршилик иссиқлик узатиш қаршилиги  $R_h$  дейилади ва  $t_b - t_h$  га тенг ҳарорат ўзгаришини пайдо қиласди.

Шундай қилиб, бир қатламли тўсиқнинг иссиқлик узатишига қаршилиги шундай қаршиликлар йифиндиси сифатида ифодаланиши мумкин:

$$R_0 = R_b + R + R_h, \quad (2.15)$$

Иссиқлик қабул қилиш ва узатиш қаршиликларини ички ва ташқи юзалардаги иссиқлик узатиш қаршилиги деган умумий ном билан номлаш мумкин, айрим ҳолларда эса – иссиқлик ўтиши қаршилиги деб номланади. Бу қаршиликларнинг ўлчов бирликлари иссиқлик узатилишидаги қаршиликлар ўлчов бирликлари сингари  $^0\text{C} \cdot \text{м}^2 \cdot \text{ч} / \text{Вт}$  га тенг.

Ҳаво ва тўсиқ юзаси орасида яратиш лозим бўлган ҳарорат фарқи билан ифодаланади, бунда ҳаво ва юза орасидаги иссиқлик оқими  $1 \text{ Вт} / \text{м}^2 \cdot \text{ч}$  га тенг бўлиши лозим.

Иссиқлик ўтишига қаршиликка тескари бўлган катталиклар иссиқлик узатиш коэффициентлари деб аталади ва: ички юза олдидаги иссиқлик узатиш коэффициенти  $\alpha_b$  ва ташқи юза олдидаги иссиқлик узатиш коэффициенти  $\alpha_h$ , деб белгиланади, бунда  $\alpha_b = 1/R_b$  ва  $\alpha_h = 1/R_h$ . бу коэффициентларнинг ўлчов бирликлари  $\text{Вт} / \text{м}^2 \cdot \text{ч} \cdot ^0\text{C}$ ; улар ҳаво ва тўсиқ орқали ўтувчи ва улар орасидаги ҳарорат фарқи  $1^0$  га тенг бўлгандаги иссиқлик миқдори  $\text{Вт} / \text{м}^2 \cdot \text{ч}$  билан белгиланади. 2.15 формуласи қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$R_0 = \frac{1}{\alpha_b} + R + \frac{1}{\alpha_h} \quad (2.15a)$$

Агар иссиқлик узатилишига кўрсатиладиган қаршилик ( $R_b$  и  $R_h$ ) асосан ташқи омилларга ва кам даражадагина тўсиқ юзаси материалига боғлиқ бўлса, тўсиқнинг термик қаршилиги  $R$  тўсиқни ташкил этувчи материалларнинг иссиқлик ўтказувчанлигига ҳамда тўсиқнинг таркибий тузилишига боғлиқ бўлади.

$R$  ни аниқлаш учун тўсиқни ташкил этувчи материалларнинг иссиқлик ўтказувчанлик коэффициентларини  $\lambda$ , уларнинг жойлашишини ҳамда тўсиқнинг алоҳида элементларини ўлчамларини билиш зарур.

Тўсиқ эни бўйича бир нечта кетма-кет жойлаштирилган турли материаллардан иборат бир таркибли, иссиқлик оқимимга нисбатан перпендикуляр жойлаштирилган қатламлардан иборат бўлса, тўсиқнинг термик қаршилиги унинг барча қатламларидағи термик қаршиликлар йиғиндисига teng бўлади. Демак, кўп қатламли тўсиқ учун термик қаршилик қуидаги формула бўйича аниқланади

$$R_k = R_1 + R_2 + R_3 + \dots + R_n = \frac{\delta_1}{\lambda_1} + \frac{\delta_2}{\lambda_2} + \frac{\delta_3}{\lambda_3} + \dots + \frac{\delta_n}{\lambda_n}, \quad (2.16)$$

бу ерда:  $R_1, R_2\dots$ - алоҳида қатламларнинг термик қаршиликлари;

$\delta_1, \delta_2\dots$ - алоҳида қатламларнинг қалинликлари м ларда;

$\lambda_1, \lambda_2\dots$ - алоҳида қатламлар материалларининг иссиқлик ўтказувчанлиги коэффициентлари, ккал/м·ч·град;

$n$  – тўсиқни ташкил этувчи қатламлар сони.

Мазкур формуладан фойдаланилганда, қатламлар қалинлиги  $\delta$  метрларда олинади.

(2.16) формуладан кўриниб турибди-ки, тўсиқ қатламининг термик қаршилиги унинг қалинлигига пропорционал ва унинг материала иссиқлик ўтказувчанлик коэффициентига тескари пропорционал бўлади; кўп қатламли тўсиқнинг термик қаршилиги  $R_k$  қатламлар жойлашиш тартибига боғлиқ бўлмайди. Бироқ тўсиқнинг иссиқлик турғунлиги, тўсиқдаги ҳароратнинг тақсимланиши ва унинг намлик тартиби сингари бошқа иссиқлик техникаси кўрсаткичлари қатламлар жойлашиш тартибига бевосита боғлиқдир. Шу сабабли тўсиқларнинг иссиқлик турғунлиги ва намлик тартибини ҳисоблашни енгиллаштириш учун қатламларни рақамлаш тўсиқнинг ички юзасидан ташқи юзасига қараб амалга оширилади.

(2.16) формуладан фойдаланиб, мазкур тўсиқнинг термик қаршилигини ёки унинг қатламларидан биронтасининг қалинлигини аниқлаш мумкин-ки, бу ўлчамларда тўсиқ  $R$  ёки  $R_k$  нинг берилган ўлчамларига эга бўлсин; сўнгги ҳолатда (1.3) формуладаги номаълум катталик тўсиқнинг иситиш қатлами вазифасини ўтайдиган бирорта қатлам  $\delta$  нинг қалинлиги бўлади.

Кўп қатламли конструкциялар қурилишда кенг тарқалган тўсувчи конструкцияларнинг тури бўлиб ҳисобланади. Энергия самарадор биноларни қуришга ўтишда фақатгина кўп қатламли конструкцияларни қўллаш тавсия этиади. Шу кунгача қўлланилиб келинган конструкцион-иссиқлик ҳимоя материалларидан иборат битта қатламли конструкцияларнинг қўллаш амалиёти самарали иситгичлар қўлламасдан биноларнинг энергиясамардорлигини таъминлаш имконини бермаяпти. Бунинг учун

уларнинг қалинлиги 1 м га яқин бўлиши керак, бунинг эса имкони йўқлиги аниқ.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Изменчивость климата в Средней Азии.-Т.:САНИГМИ, 1985.-  
Под редакцией д.географ.Ф.А.Муминова.-215с.
2. КМК 2.01.01-94 Климатические и физико-геологические данные для проектирования/Госкомархитектстрой РУз-Ташкент:ТИПО им.бн-Сино, 1994.-28с.
3. Фокин К.Ф. Строительная теплотехника ограждающих частей зданий.- Изд. 4-е, перераб. и доп.- М.: Стройиздат, 1973г. - 287с.
4. Табунщиков Ю.А., Хромец Д.Ю., Матросов Ю.А. Тепловая защита ограждающих конструкций зданий и сооружений. М.: Стройиздат, 1986.- 380 с.
5. ҚМК 2.01.04-97\* Курилиш иссиқлик техникаси. ЎзР Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси-Тошкент: АҚАТМ, 2011-98 бет.
6. Пособие по проектированию новых энергосберегающих решений по строительной теплотехнике (к КМК 2.01.04-97\*) / ОАО “Toshuyjoy LITI” – Ташкент: ИВЦ AQATM Госархитектстроя, 2012-70стр.
7. Samig'ov N. A. Qurilish materiallari va buyumlari. Darslik. - Т.: Cho'lpon, 2013. – 319 б.
8. Қосимов Э. Қурилиш ашёлари. Дарслик. - Т.: Mehnat, 2004. - 512 б.

## **2-амалий: Ташқи тўсиқ конструкцияларини намлик холати. Ташқи деворларда намликини пайдо бўлиш сабаблари.**

### **Режа:**

2.1. Ташқи тўсиқ конструкцияларнинг намлик режими. Умумий тушунчалар.

2.2. Тўсувчи конструкциядаги намликини конденсалтанишига қарши кўриладиган чора-тадбирлар.

**Калит сўзлар:** қурилиш иссиқлик техникаси, иссиқлик узатиши, иссиқлик ўтказувчанлик, тўсиқ конструкциялар, ҳисоблаш усуллари, намлик режими, намлик конденсацияси, буг ўтказувчанлик (паропроницаемость).

### **2.1. Ташқи тўсувчи конструкцияларнинг намлик тартиби. Умумий тасаввурлар.**

Қурилиш материалларининг намлиги ортиши билан уларнинг иссиқлк ўтказувчанлиги ҳам ошади, яъни нам тўсиқлар қуруқ тўсиқларга нисбатан паст иссиқлик ҳимоя сифатларига эга бўлади. Демак, ташқи тўсувчи конструкцияларни лойиҳалашда тўсувчи конструкциялар материалларини иложи борича намгарчиликдан ҳимоялаш бўйича чора-тадбирлар кўриш, минимал намлика эга материаллар қўллаш ҳамда уларнинг нафақат иссиқлик техникаси, балки намлик тартибини ҳам инобатга олиш лозим. Намлиги юқори бўлган қурилиш материалини гигиеник нуқтаи назардан ҳам қўллаш мақсадга мувофиқ эмас, чунки намгарчилик замбуруғлар, могор ҳосил бўлиши ва бошқа биологик жараёнлар учун қулай мухит бўлиб ҳисобланади.

Иссиқлик техникаси ва санитар-гигиеник жиҳатлардан ташқари тўсиқнинг меъёрдагидек намлик тартиби катта техник аҳамиятга эга, сабаби бу ҳолат тўсувчи конструкциянинг умрбоқийлигини ҳам таъминлайди. Ташқи тўсувчи конструкцияларда намгарчилик таъсирига учраган, намлика етарлича бардош бера олмайдиган материалларнинг қўлланилиши уларнинг муддатидан илгари ишдан чиқишига олиб келади.

Замонавий қурилиш амалиётида исистгичлар сифатида турли иссиқлик ҳимояси материалларини қўлланилиши тўсиқларга зарурый умрбоқийлдик ва иссиқлик ҳимояси сифатларини бериш учун тўсиқларнинг намлик тартибига алоҳида эътибор қаратишни тақозо этади.

Тўсиқларда намлик пайдо бўлиши сабаблари қуйидагилар:

- қурилиш намлиги, яъни тўсиқ таркибига бино қурилаётган ёки йиғма темирбетон тўсувчи конструкциялари тайёрланишида олиб кириладиган намлик;

- грунтдаги намлик, каилляр сўрилиш натижасида тўсувчи конструкция таркибига кириб қолиши мумкин бўлган намлик. Бино деворларидаги бу намлик ер сатҳидан 2-2,5 м баландликкача кўтарилиши мумкин. Тўсувчи конструкцияни бу намлиқдан сақлаш учун унда грунтдан тўсиққа намлик ўтишини олдини олувчи сувдан ҳимоя қатламлари ўрнатилади;

- атмосфера намлиги, тўсувчи конструкция таркибига ёмғир қия ёғган ҳолатларда деворнинг ташқи юзасини намланиши ташқи оқова сувлари кетадиганжойлар ҳамда тўшама конструкциясидаги носозликлар туфайли пайдо бўладиган намликлар;

- эксплуатацион намлик, бино эксплуатацияси билан боғлиқ ажралиб чиқадиган намлик;

- гигроскопик намлик, тўсувчи конструкцияларда қўлланиладиган материалларининг гигроскопиклик хоссаси туфайли ҳосил бўладиган намлик. Гигроскопиклик – материалнинг ҳаво таркибидаги намлиқни ютиш хоссаси. Бу хоссага турли даражада барча қурилиш маитериаллари эга.

### Тўсиқ юзасидаги намлиқни конденсацияланиши

Маълум намликка эга ҳаводаги исталган предмет юзасини совутилса, мазкур юза ҳарорати пасайганда, у билан тўқнашган ҳаво совийди, шу юзада сув буғи майда томчилар кўринишида конденсатланади, шудринг (шабнам) ҳосил қиласи. “Шудринг (шабнам) нуқтаси” деган ибора ҳам шундан келиб чиққан, яъни шу ҳолатда, чегарада ҳаводаги намлик конденсатланиши бошланади. Тўсиқ юзасидаги ҳарорат ичкаридаги ҳаво ҳароратининг шудринг нуқтасидан паст бўлган ҳолатда, тўсиқнинг ички юзасида намлик ҳаводан конденсатланади. Тўсиқнинг ички юзасида конденсатланиб тўпланадиган намлик тўсиқ материали томонидан ютилади, аста-секин унинг намлигини оширади. Бундан ташқари, тўсиқнинг ички юзасини намланиши хонанинг санитар ҳолатини ёмонлаштиради. Конденсацияланиш ҳолати тўсиқнинг ҳарорат минимал бўлган жойларида, деворлар бурчакларида, карнизли тугунларда, панеллар уланган жойларида ҳамда цоколлар етарлича иситилмаган биринчи қаватдаги деворлар пастки қисмларида аниқланади. Устига тупроқ тўкиладиган конструкцияларда, макур жойларни чўкишдан ҳимояловчи чоралар кўрилмаган ҳолларда кўпинча деразалар тагида ва деворнинг юқори қисмларида конденсацияланиш аниқланади.

Тўсувчи конструкцияларнинг юзасида намлиқни конденсацияланиши шартлари қуйидагилар:

1.  $\tau_b < \tau_p$  – ташқи тўсиқнинг бутун ички юзасини конденсацияланиши;

2.  $\tau_b > \tau_p > \tau_y$  – деворнинг қолган юзасида конденсацияланишнинг мавжуд эмаслигига ташки бурчакдаги конденсацияланиш;

3.  $\tau_b > \tau_p > \tau_{min}$  – етарлича иссиқлик турғунлигига эга бўлмаган ҳолатлардаги тўсувчи конструкция ички юзасидаги ҳароратнинг пасайиши билан боғлиқ даврий конденсацияланиш.

Тўсиқни ҳисоблашда унинг ички юзасида шундай ҳарорат таъминланиши керак-ки, мазкур ҳарорат берилган ҳаво намлигига шудринг нуқтасидан паст бўлсин. бунда деворнинг силлиқ юзасидаги ҳароратни аниқлаш билан чекланиб бўлмайди, алоҳида жойлардаги ҳарорат пасайишини ҳамда иситиш мосламалари томонидан иссиқлик беришдаги тебранишлар натижасида тўсиқнинг ички юзасида ҳосил бўладиган ҳарорат ўзгаришларини ҳисобга олиш зарур. Ҳисоблаш учун хонадаги ҳавонинг нисбий намлиги қийматлари уларда рухсат этилган намликнинг максимал миқдори олинади. Турап жой хоналари учун  $\phi=55\%$ , жамоат бинолари учун  $\phi=50\%$  қабул қилинади.

Назорат ҳисоблаш ишида одатда тўсиқнинг ички юзасидаги минимал ҳарорат орқали ҳавонинг нисбий рухсат этилган чегаравий намлиги аниқланади, бу ҳароратда тўсиқнинг юзасида намлик конденсациялана бошлайди. Ҳавонинг олинган нисбий намлиги қиймати ҳақиқий намлик миқдоридан катта бўлса, у ҳолда тўсиқ унинг ички юзасидаги намлик конденсацияланишидан ҳимояланган бўлади.

**Тўсиқнинг ички юзасидаги намликни конденсацияланишини олдини олиш учун унинг юзасидаги ҳароратни шудринг ҳароратидан ошириш кифоя. Бундай ҳарорат ошишига тўсиқнинг иссиқликузатилишига қаршилигини  $R_0$ , ошириш ёки иссиқлик қабул қилиш қарўилигини камайтириш орқали эришиш мумкин.**

Юқори намликка (90-95 %) эга бўлган хона тўсиғига ички юзадан намлик киришини олдини олишнинг энг яхши усули мазкур юзани ойнаванд ёки маҳсус қопламали плиткалар билан цемент қоришимаси ва унга сув ўтказмайдиган қўшимчалар қўшиб қоплаш бўлиб ҳисобланади. Тўсиқнинг ички юзасига маҳсус қўшимчалар қўшилган цемент сувоғи қоплаш, қуритилган юзани мойбўёқ билан бўяш яхши натижалар беради.

### **Буғ ўтказувчанлик.**

Ички юзадаги намлик конденсацияланишининг йўқлиги тўсиқни намлиқдан ҳимоялашни таъминламайди, чунки тўсиқнинг ичидаги сув буғларининг конденсатланиши оқибатида ҳам тўсиқ намланиши мумкин. Кўп ҳолларда тўсиқ материалларининг намланишининг асосий сабаби ҳам шу.

Қиши мавсумида тўсиқнинг ички томонидаги ҳаво ҳарорати ташқаридағи ҳаво ҳароратидан анча баланд бўлади. Фараз қилайлик, ичкари ва ташқари томондаги ҳавонинг нисбий намлиги бир хил бўлсин, у ҳолда тўсиқнинг ички

томонидаги ҳавонинг нисбий намлиги ташқи томондагисидан анча юқори бўлади. Шундай қилиб, қишки мавсумда иситиладиган биноларнинг ташқи тўсиқларини бир хил биометрик босимли лекин сув буғининг турлича қайишқоқлик қийматларига эга бўлган иккита ҳаво муҳити ажратиб туради. Сув буғининг қайишқоқликларидағи фарқ оддий шароитларда симоб устунининг 10 мм ига етиши мумкин, баланд ҳароратли ва ҳавонинг нисбий намлиги юқори бўлган бинолардаги фарқ унлан ҳам катта бўлиши мумкин.

Тўсиқнинг иккала томонидаги сув буғи қайишқоқлиги катталикларининг фарқи тўсиқ орқали сув буғининг унинг ички томонидан ташқарисига ўтишини юзага келтиради. Бу ҳодиса тўсиқ орқали сув буғининг диффузияси деб номланади. Шундай қилиб, қишки мавсумда сув буғи тўсиқ орқали ташқарига диффузияланади. Ёз кунларида эса хонадаги ҳаво ҳарорати нисбатан салқин бўлган ҳолларда сув буғи диффузияси тескари йўналишда содир бўлиши мумкин, аммо бу ҳодиса ҳаво ҳароратидаги фарқлар ва нисбий намлик кичик бўлганлиги сабабли унча сезилмаслиги мумкин.

Материалнинг буғ ўтказувчанлик коэффициенти  $\mu$  унинг физик хоссаларига боғлиқ ва у орқали ўтувчи сув буғини диффузияланиш қобилиятини акс эттиради.

Материалнинг буғ ўтказувчанлик коэффициенти иссиқлик ўтказувчанлик коэффициентига ўхшаш ва сув буғининг қалинлиги 1 м бўлган деворнинг  $1 \text{ m}^2$  юзаси орқали 1 соат мобайнида диффузияланадиган микдорини граммларда ифодалаб беради, бунда сув буғининг иккала томондаги қайишқоқлигининг фарқи симоб устуниниг 1 мм ини ташкил этади. Энг кичик буғ ўтказувчанликка рурберида эга ( $\mu=0,00018$ ), энг ката буғ ўтказувчанликка минерал ва шиша пахта ( $\mu=0,065$ ) эга. Ойна шишаси ва металлар буғ ўтказувчан бўлиб ҳисобланади. Ҳаво энг катта буғ ўтказувчанлик коэффициентига 0,083 эга, ҳавонинг конвекцияланishiда бу қиймат симоб устунининг 0,135  $\text{g}/\text{m}\cdot\text{s}\cdot\text{мм}$  га етиши мумкин.

Бир хил материал учун буғ ўтказувчанлик коэффициенти материал ҳарорати ва намлигига қараб ўзгариши мумкин. Ҳарорат пасайиши билан  $\mu$  катталиги кичрайиб боради. Намликнинг таъсири ҳам шундай бўлади: материал намлигининг ортиши билан унинг буғ ўтказувчанлик коэффициенти ҳам ошади.

## **2.2. Тўсувчи конструкциядаги намликни конденсатланишига қарши кўриладиган чора-тадбирлар.**

Тўсувчи конструкцияда намликни конденсатланишидан муҳофаза қилишнинг асосий конструктив чораси – тўсувчи конструкциядаги турли материаллардан ташкил топган материалларни оқилона жойлаштиришдан иборат. Тўсиувчи конструкциялардаги материаллар қуйидаги таркибда

жойлаштирилиши лозим: ички юзада – зич, иссиқлик ўтказадиган ва бүгни кам ўтказадиган материаллар, ташқари юзада – аксинча, ғовакли, иссиқликни кам ўтказадиган ва нисбатан буғ ўтказувчан материаллар. Тўсувчи конструкцияда қатламларнинг бундай жойлаштирилишида сув буғининг қайишқоқлигини қиймати тўсиқ бошланишида кўпроқ бўлади, ҳарорат эса аксинча тўсиқ охирида тушиб кетади. Бу ҳолат нафақат тўсиқдаги намлики конденсатланишидан сақлайди, балки уни сорбцион намланишидан сақлоайдиган шароитни ҳам яратади.

Агар техник ёки конструктив фаразларга кўра тўсиқда материалларнинг бундай жойлаштиришнинг имконияти бўлмай қолса, ички конденсатланишдан асраш учун “буғдан ҳимоялаш қатламлари”, яъни буғ ўтказмайдиган материаллардан иборат ёки кам буғ ўтказиши хоссасига эга бўлган материаллар қўлланилади.

**Буғдан ҳимоялаш қатлами сув буғи оқими йўналишида биринчи бўлиб жойлаштирилиши лозим, яъни исистиладиган биноларнинг ташқи тўсиқларининг ички юзаларига жойлаштирилади.** Буғдан ҳимоялаш қатламини бундай жойлаштирилганда сув буғи тўсиқقا (буғдан ҳимоя қатламида қайишқоқликнинг пасайиши натижасида) пасайган қайишқоқлик билан ва кам миқдорда келиб тушади, яъни бу ҳолда буғдан ҳимоя қатламининг таъсири ички ҳаво намлигини пасайишига ўхшаш бўлади, бу эса тўсиқнинг намлик тартибини анча яхшиланишига олиб келади.

**Шундай қилиб, тўсиқларнинг меъёрдагидек намлик тартибини таъминлаш учун буғдан ҳимоялаш қатламини ички юзадаги ҳарорати ичкаридаги ҳаво ҳароратини шудринг нуқтасига teng бўлган қисмига жойлаштириш зарур.**

Буғдан ҳимоялаш қатламини бу қисмдан чукурроқда жойлаштирилганда буғ ичкаридаги ҳаводан мазкур қатlam ички юзасида конденсатланиши мумкин. одатда буғдан ҳимоя қатлами ички сувоқ қатлами остида жойлаштирилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

9. Изменчивость климата в Средней Азии.-Т.:САНИГМИ, 1985.-  
Под редакцией д.географ.Ф.А.Муминова.-215с.
10. КМК 2.01.01-94 Климатические и физико-геологические данные для проектирования/Госкомархитектстрой РУз-Ташкент:ТИПО им.бн-Сино, 1994.-28с.
11. Фокин К.Ф. Строительная теплотехника ограждающих частей зданий.- Изд. 4-е, перераб. и доп.- М.: Стройиздат, 1973г. - 287с.

12. Табунщиков Ю.А., Хромец Д.Ю., Матросов Ю.А. Тепловая защита ограждающих конструкций зданий и сооружений. М.: Стройиздат, 1986.- 380 с.

13. ҚМК 2.01.04-97\* Қурилиш иссиқлик техникаси. ЎзР Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси-Тошкент: АҚАТМ, 2011-98 бет.

14. Пособие по проектированию новых энергосберегающих решений по строительной теплотехнике (к КМК 2.01.04-97\*) / ОАО “Toshuyjoy LITI” – Ташкент: ИВЦ AQATM Госархитектстроя, 2012-70стр.

15. Samig'ov N. A. Qurilish materiallari va buyumlari. Darslik. - Т.: Cho'lpon, 2013. – 319 b.

**3 мавзу: Тўсиқ конструкцияларининг иссиқлик химоялаш хусусияти бўйича қишиш ва ёз шароити талабларига мос келишини хисоблаш. Умумий хисобий ва умумий термик қаршиликларини хисоблаш ва уларни таққослаш.**

**РЕЖА:**

3.1. Тўсиқ конструкцияларининг иссиқлик химоялаш хусусияти хисоблаш учун бошланғич берилганлар.

3.2. Умумий хисобий қаршиликтини хисоблаш

3.3. Умумий рухсат қилинган қаршиликтини хисоблаш.

3.4. Девор ички сиртидаги харорат ўзгаришнинг талаб қилинган қиймат ва хисобий ларини аниқлаш.

**Таянч иборалар:** Иссиқлик берииш қаршилиги, термик қаршилик, иссиқлик қабул қилиш қаршилиги, иссиқлик инерциялийлик, деворнинг иссиқлик берииш қаршилиги, девор материалининг иссиқлик ўтказувчанлик ва иссиқлик ўзлаштириши коэффициентлари, ички ва ташқи хаво хароратлари.

**Ташқи химоя қурилмаларини қишиш шароитига мослаб лойихалаш**

Бино ташки химоя конструкцияларини қишиш шароитига мослаб лойихалашдан максад, бино ичидағи инсонга керакли булган хароратни қишиш пайтида меерида саклаб туришдан иборат. Бино ташки химоя қурилмаларини қишиш шароитига мослаб лойихалаганда қурилманинг умумий каршилиги  $R_{ym}$  талаб қилинган каршилик билан солиштириб қурилади

(каршиликнинг улчов бирлиги  $m^2 \text{ } ^\circ \text{C} / \text{Wt}$ )

Кишиш шароитига мослаб лойихалаганда умумий хисобий каршилик, умумий рухсат қилинган каршилиқдан катта ёки шунга тенг булиши керак.

$$R_{ym}^{pk} \leq R_{ym}$$

Курилманинг умумий хисобий каршилиги куйидаги формула билан аникланилади:

$$R_{ym} = R_{kk} + R_t + R_6$$

$\alpha_i = 8,7$  – химоя конструкциясини ички юзасини иссиклик бериш коэффиценти. Бу коэффициент КМК нинг 4- жадвалида берилади.  $BT / m^2 \text{ } ^\circ C$ .

$\alpha_t = 23$  - химоя конструкциясини ташки юзасини иссиклик бериш коэффициенти. Бу коэффициент КМК нинг 4- жадвалида берилади

Химоя курилмасининг термик каршилиги агар курилма бир катламли булса, куйидаги формуладан аникланилади:

$$R_t = \delta / \lambda$$

Агар куп катламли булса, термик каршилик:

$$R_t = \sum \delta / \lambda = \delta_1 / \lambda_1 + \delta_2 / \lambda_2 + \dots + \delta_n / \lambda_n$$

формула оркали хисобланилади.

Бу ерда - химоя конструкциясининг калинлиги,

$\lambda$  - иссиклик утказувчанлик коэффициенти. Бу коэффициент КМК нинг 2 – иловасида берилади.

Рұксат килинган умумий каршиликни топиш формуласи куйидагича:

$$R_{ym}^{pk} = n (t_i - t_t) / \Delta t^h \alpha_i$$

Бу ерда :

$n$  - ташки химоя курилмасининг ташки хавога нисбатан жойлашишини хисобга олувчи коэффициент. КМК нинг 3 жадвалига асосан олинади. Күпчилик холларда  $n = 1$  деб олинади. Иситилмайдиган ертулаларда  $n = 0.9$  деб олинади.

$t_{ichki}$  = ички хаво хароратининг хисобий киймати.

$t_{tashki}$  = ташки киши пайтидаги хисобий харорат.

$\Delta t^h$  = ички хаво харорати билан химоя курилмасининг ички юзасидаги харораттар узгариши. КМК нинг 2 жадвалидан олинади. Ертулаларда  $2^\circ C$ ,

богчаларда  $6^\circ C$ .

$\alpha$  - химоя конструкцияларининг иссилик бериш коэффициенти.

Ташки хаво хароратининг танлаб олинадиган киймати курилма иссилик инерциясига баглий. Химоя конструкциясининг иссилик энерциялилиги куйидагича аникланилади. Агар конструкция бир катламли булса:

$$D = R_t \cdot S$$

Агар конструкция куп катламли булса формула куйидаги куришишга эга булади:

$$D = R_{t1} \cdot S_1 + R_{t2} \cdot S_2 + \dots + R_{tn} \cdot S_n$$

Бу ерда :

$S$  – химоя конструкцияси материалининг иссилик узлаштириш коэффициенти. СНиП нинг 3 иловасидан олинади. Агар конструкция ичиде хаво бушликли катлам булса,  $S=0$  булади. Иссилик энерциялилиги ёрдамида ташки хавонинг хисобий киймати куйидагича булади:

Агар  $D < 4$ , булса ташки хисобий харорат 1 суткалик совук кун буйича олинади.

Агар  $4 < D < 7$ , булса ташки хисобий харорат 3 суткалик буйича олинади ва у куйидагича аникланилади:

$$t_{3\text{сут}} = (t_{1c} + t_{5c}) / 2$$

Агар  $D > 7$ , { энерциалилик 7 дан катта булганда } ташки хисобий харорат 5 суткалик буйича олинади. Ташки хавонинг хисобий киймати КМК 2.01.01-94 "Строительная климатология и геофизика" дан олинади.

### **Турар-жой биносининг яхлит ғишт деворнинг теплофизик ҳисоби.**

КМК 2.01.01-94 га асосан тавсия этилган тартибда теплофизик ҳисоблар учун зарур бўлган маълумотларни қабул қиласиз.

1. Курилиш худуди Самарқанд шаҳри.
2. Самарқанд шаҳри намлиқ бўйича қуруқ зонада жойлашган.
3. Самарқанд шаҳрининг ташқи ҳавоси ҳисобий температураси  $t_h$  сифатида куйидаги маълумотларни қабул қиласиз:

- энг совуқ суткаларнинг бадастурлиги 0,98 бўлган ўртacha ҳарорати  $t_H^1 = -18^0\text{C}$ ;

- энг совуқ суткаларнинг бадастурлиги 0,92 бўлган ўртacha ҳарорати  $t_H^1 = -15^0\text{C}$ ;

- энг совуқ беш кунликнинг бадастурлиги 0,92 бўлган ўртacha ҳарорати  $t_H^5 = -14^0\text{C}$ ;

- энг совуқ уч кунликнинг бадастурлиги 0,92 бўлган ўртacha ҳароратини  $t_H^3$ , қуйидаги формула ёрдамида аниқлаймиз:

$$t_H^3 = \frac{t_H^1 + t_H^5}{2} = \frac{15 + 14}{2} = 14,5^0\text{C}$$

-июль ойининг ўртacha ҳарорати  $t_H = +25,9^0\text{C}$ ;

4. Самарқанд шаҳри учун июль ойидаги ташки ҳаво ҳарорати суткалик тебранишларининг максимал амплитудаси  $A_{t_H} = 25,2^0\text{C}$ .

5. Конструкция девор бўлгани учун қўлланмадан ғарбга қараган вертикал сиртлар учун максимал ва ўртacha қуёш радиациясини қабул қиласиз:

$$J_{maxc} = 740 \text{ ВТ/М}^2;$$

$$J_{cp} = 169 \text{ ВТ/М}^2.$$

6. Самарқанд шаҳри учун румблар бўйича қайталаниши 16 % ва ундан ортиқ бўлган шамол ўртacha тезликларининг июль ойи учун минимал қийматини  $v$  ни қўлланмадан қабул қиласиз.

$$v = 2,4 \text{ м/с.}$$


7. Тўсиқ конструкцияси ҳисобланадиган яшаш хонасининг вазифасига мувофиқ равишда иловадан лойиҳаланаётган хона учун ички ҳавонинг ҳисобий ҳарорати ва нисбий намлигини аниқлаймиз:

$$t_B = 18^0\text{C}; \varphi_B = 55\%.$$

8. Аниқланган  $t_B = 18^0\text{C}$  ва  $\varphi_B = 55\%$  қийматларга асосланиб қўлланмадан хонанинг намлик режимини аниқлаймиз: **Муътадил.**

9. Хонанинг мұтадил намлиқ режими ва Самарқанд шахрининг қуруқ зонада жойлашганини ҳисобға олиб, деворни эксплуатация қилиш шароитини аниқлаймиз: А .

10. Девор ҳам ичкарисидан ҳам ташқарисидан қалинлиғи 20 мм цемент-қум қоришинасы билан сувалган (1-расмга қаранг), қоришишманинг зичлиги  $\gamma_0 = 1600 \text{ кг}/\text{м}^3$ .



1-расм. Ғишт деворнинг конструктив ечими.

1,3 – сувоқ қатlam; 2 – ғишт терими.

Деворни қалинлиғи 1,5 ғишт (380 мм) бўлиб яхлит қилиб цемент-қум қоришинасида терилган, ғиштнинг зичлиги  $\gamma_0 = 1600 \text{ кг}/\text{м}^3$ . Конструкцияларнинг эксплуатация қилиш шароитига боғлиқ ҳолда ҳар бир материал учун иссиқлик ўтказувчанлик коэффициентини аниқлаймиз:

- сувоқ қатlam учун  $\lambda_1 = \lambda_3 = 0,7 \text{ Вт}/(\text{м}^2 \cdot \text{C})$ ;
- терилган ғишт учун  $\lambda_2 = 0,58 \text{ Вт}/(\text{м}^2 \cdot \text{C})$

Иссиқлик ўзлаштириш коэффициентини аниқлаймиз.

- сувоқ қатlam учун  $S_1 = S_3 = 8,69 \text{ Вт}/(\text{м}^2 \cdot \text{C})$ ;
- терилган ғишт учун  $S_2 = 8,08 \text{ Вт}/(\text{м}^2 \cdot \text{C})$ .

11. Хонанинг вазифасига ва конструкциянинг турига мувофиқ равища ҳароратнинг норматив фарқини аниқлаймиз:

$$\Delta t^H = 6^{\circ}\text{C}$$

12. Тўсиқ конструкция тури ва унинг сиртлари характерига боғлиқ ҳолда, ички ва ташқи сиртлар иссиқлик бериш коэффициентини аниқлаймиз:

$$\alpha_B = 8,7 \text{ BT}/(\text{m}^2 \cdot \text{C}) \text{ ва } \alpha_H = 23 \text{ BT}/(\text{m}^2 \cdot \text{C}).$$

13. Тўсиқ конструкциянинг турига боғлиқ ҳолда ташқи сиртнинг ташқи ҳавога нисбатан ҳолатини ҳисобга олувчи коэффициентни аниқлаймиз:

$$n=1.$$

14. Иловадан тўсиқ конструкция ташқи сирти материалининг қуёш радиациясини ютиш коэффициентини аниқлаймиз:

$$\rho = 0,7$$

### **Қишишароити учун ғишт деворнинг иссиқлик-физик ҳисоби.**

1. Ғиштли девор бир жинсли конструкция ҳисоблангани учун тўпланган маълумотлардан фойдаланиб, қуйидаги формула ёрдамида конструкциянинг иссиқлик ўтказишга умумий қаршилигини аниқлаймиз:

$$R_0 = R_B + R_K + R_H = \frac{1}{\alpha_B} + \frac{\delta_1}{\lambda_1} + \frac{\delta_2}{\lambda_2} + \frac{\delta_3}{\lambda_3} + \frac{1}{\alpha_H} = \frac{1}{8,7} + \frac{0,15}{0,7} + \frac{0,38}{0,58} + \frac{0,15}{0,7} + \frac{1}{23} = 0,855 \text{ (m}^2 \cdot {^\circ}\text{C/BT)}.$$

2. Қуйидаги формула ёрдамида конструкциянинг иссиқлик инерциясини аниқлаймиз:

$$D = \frac{\delta_1}{\lambda_1} S_1 + \frac{\delta_2}{\lambda_2} S_2 + \frac{\delta_3}{\lambda_3} S_3 = \\ = \frac{0,15}{0,7} 8,69 + \frac{0,38}{0,58} 8,08 + \frac{0,15}{0,7} 8,69 = 5,66$$

3.  $4 < D = 5,66$  бўлгани учун кўрсатмаларга биноан ташқи ҳавонинг ҳисобий температураси  $t_H$  сифатида З-бандда аниқланган  $t_H^3 = -14,5 {^\circ}\text{C}$  қабул қиласиз.

4. Қуйидаги формула ёрдамида конструкция учун иссиқлик ўтказишга қаршиликнинг талаб этилган қийматини аниқлаймиз:

$$R_O^{TP} = \frac{(t_B - t_H) n}{\Delta t^H \alpha_B} = \frac{(18 + 14,5) 1}{6 8,7} = 0,622 \text{ m}^2 \cdot {^\circ}\text{C/BT}$$

5.  $R_0 \geq R_O^{TP}$  шартнинг бажарилишини текшириб кўрамиз:

$$R_0 = 0,855 > R_O^{TP} = 0,622 \text{ m}^2 \cdot ^\circ \text{C/BT}$$

Шарт бажарилди, аммо ҳозирги даврда иссиқлик энергиясини тежаш ва энергия самарали биноларни лойиҳалаш мақсадида лойиҳаланаётган, қурилаётган, таъмирланаётган ва капитал ремонт қилинаётган биноларда ҚМҚ 2.01.04-97\* талаблари асосида иссиқлик ҳимоясини 1, 2 ва 3 даражалари бўйича келтирилган иссиқлик узатиш қаршилигини ҳисобга олиш лозим.

$R_0^{TP}$  -ташқи деворни келтирилган иссиқлик узатиш қаршилиги. Уни ҚМҚ 2.01.04-97\*ни 2 а, 2б ва 2в жадвалидан иситиш даври  $D_d$  бўйича аниқлаймиз.

$$D_d = (t_b - t_{ot.per}) Z_{ot.per}:$$

$t_{ot.per}$  –иситиш давридаги ўртacha ҳарорат: ҚМҚ 2.01.01-94дан аниқлаймиз.

$$t_{ot.per} = (0,5 + 2,8 + 7,4 + 6,6 + 2,6) : 5 = 3,98 \text{ } ^\circ \text{C}$$

$Z_{ot.per}$  – иситиш даври, ҚМҚ 2.01.01-94га асосан Самарқанд учун 151 суткага тенг экан.

$$D_d = (18 - 3,98) \cdot 151 = 2117 \text{ } ^\circ \text{C. сут.}$$

Бу кўрсатгич бўйича ҚМҚ 2.01.04-97\*дан иссиқлик ҳимоясини даражалари бўйича келтирилган иссиқлик узатиш қаршилигини  $R_0^{TP}$  ни аниқлаймиз.

Иссиқлик ҳимоясини биринчи даражаси учун:

$$R_0^{TP} = 0,94 \text{ m}^2 \cdot ^\circ \text{C / Bt.} > R_0 = 0,855 - \text{шарт бажарилмади;}$$

Иссиқлик ҳимоясини иккинчи даражаси учун  $R_0^{TP} = 1,8 > R_0 = 0,855$  - шарт бажарилмади;

Шу сабабли тураг-жой биносини ташқи деворини иссиқлик ҳимоясини ошириш лозим.

Таъмирлаш даврида ташқи деворнинг ички сиртидан зичлиги 32 кг/ м<sup>3</sup> бўлган пенополистиролдан иссиқлик изоляция қатлам қуриш лозим.

Бу қатlam қалинлиги 0,05м ёки 5 см қабул қиласиз. Унинг иссиқлик үтказувчанлик коэффициенти

$$\lambda_{\text{пен}} = 0,032 \text{ Bt/m}^0 \text{C};$$

$$R_{II} = \frac{\delta_{\text{пен}}}{\lambda_{\text{пен}}} = \frac{0,05}{0,032} = 1,56 \text{ m}^2 \cdot \text{C/Bt};$$

$$D_{\text{пен}} = R_{II} \cdot S_{\text{п}} = 1,56 \cdot 0,34 = 0,53;$$

Ташқи ғишт деворни умумий иссиқлик узатиш қаршилиги

$$R_0 = 0,85 + 1,56 = 2,41 \text{ m}^2 \cdot \text{C/Bt}.$$

У ҳолда

$$R_0 = 2,41 > R_0^{\text{tp}} = 1,8 \text{ m}^2 \cdot \text{C/Bt}. \text{ Демак шарт бажарилди.}$$

5. Юқоридаги формула бүйича конструкция қатламларининг иссиқлик инерцияларини аниқлаш:

Биринчи қатлам учун:

$$D_1 = \frac{\delta_1}{\lambda_1} \quad S_1 = \frac{0,05}{0,032} \quad 0,34 = 0,53;$$

Иккинчи қатлам учун:

$$D_2 = \frac{\delta_2}{\lambda_2} \quad S_2 = \frac{0,015}{0,76} \quad 8,69 = 0,185;$$

Учинчи қатлам учун:  $D_3 = \frac{\delta_3}{\lambda_3} \quad S_3 = \frac{0,38}{0,7} \quad 9,2 = 4,99;$

Тўртинчи қатлам учун:  $D_4 = \frac{\delta_4}{\lambda_4} \quad S_4 = \frac{0,015}{0,76} \quad 8,69 = 0,185;$

$D_1, D_2, D_3, D_4$  ларнинг қийматларига мувофиқ равишда қатламлар ташқи сиртларнинг иссиқлик ўзлаштириш коэффициентларини аниқлаймиз:

- биринчи қатлам учун:  $D_1=0,53<1$  шунинг учун  $Y_1$  нинг қийматини қуидаги формула билан аниқлаймиз.

$$Y_{1,} = \frac{R_1 \quad S_1^2 + \alpha_u}{1 + R_1 \quad \alpha_u} = \frac{1,56 \quad 0,34^2 + 8,7}{1 + 1,56 \quad 8,7} = \frac{8,88}{14,5} = 0,61 \text{ Bt/M}^2 \cdot {}^\circ\text{C};$$

- иккинчи қатлам учун:  $D_2=0,185<1$  бўлгани учун ташқи сиртнинг иссиқлик ўзлаштириш коэффициенти  $Y_2$  ни аниқлаймиз.

$$Y_{2,} = \frac{R_2 \quad S_2^2 + Y_1}{1 + R_2 \quad Y_1} = \frac{0,019 \quad 8,69^2 + 0,61}{1 + 0,019 \quad 0,61} = \frac{2,04}{1,01} = 2,02 \text{ Bt/M}^2 \cdot {}^\circ\text{C}$$

- учунчи қатлам учун  $D_3 = 4,99 > 1$  бўлгани учун сиртнинг иссиқлик ўзлаштириш коэффициенти қўйидагига teng, яъни  $Y_3=S_3=9,2$ :

-тўртинчи қатлам учун

$$Y_{4,} = \frac{R_4 \quad S_4^2 + Y_3}{1 + R_4 \quad Y_3} = \frac{\frac{0,015}{0,76} \quad 8,69^2 + 9,2}{1 + \frac{0,015}{0,76} \quad 9,2} = 9,03 \text{ Bt/M}^2 \cdot {}^\circ\text{C}$$

6. Кўйидаги формула ёрдамида ёз шароити учун ташқи сиртни иссиқлик бериш коэффицентини аниқлаймиз:

$$\alpha_H = 1,16 \quad (5 + 10 \sqrt{v} = 1,16(5 + 10\sqrt{2,4}) = 23,77 \text{ Bt/m}^2 \cdot {}^\circ\text{C}$$

3. Кўйидаги формула ёрдамида температура ўзгаришлари амплитудасининг конструкциядан ўтишдаги сўнишини аниқлаймиз:

$$\begin{aligned} v &= 0,9e^{\frac{D}{\sqrt{2}}} \frac{(S_1 + \alpha_B)(S_2 + Y_1)(S_3 + Y_2)(S_4 + Y_3)(\alpha_H + Y_4)}{(S_1 + Y_1)(S_2 + Y_2)(S_n + Y_n)\alpha_H} = \\ &= 0,9e^{\frac{5,89}{\sqrt{2}}} \frac{(0,34 + 8,7)(8,69 + 0,61)(9,2 + 2,02)(9,2 + 9,2)(23,77 + 9,03)}{(0,34 + 0,61)(8,69 + 2,02)(9,2 + 9,2)(8,69 + 9,03) 23,77} = \\ &= 58,3 \frac{9,01 \quad 9,3 \quad 11,4 \quad 18,4 \quad 32,8}{0,95 \quad 10,71 \quad 18,4 \quad 17,7 \quad 23,77} = \frac{57650,65}{78765} \quad 58,3 = 426,7 \end{aligned}$$

7. Кўйидаги формула ёрдамида ташқи ҳаво температураси ўзгаришларининг ҳисобий амплитудасини аниқлаймиз;

$$\begin{aligned} A_{t_H}^{pac} &= 0,5A_{t_H} + \frac{\rho(J_{max} - J_{cp})}{\alpha_H} = \\ &= 0,5 \quad 25,2 + \frac{0,7 \quad (740 - 169)}{23,77} = 12,6 + 16,81 = 29,41 {}^\circ\text{C} \end{aligned}$$

8. Тўсиқ конструкция ички сиртидаги ҳарорат ўзгаришларини ҳисобий амплитудасини қўйидаги формула ёрдамида аниқлаймиз:

$$A_{t_B} = \frac{A_{t_H}^{pac}}{v} = \frac{29,41}{426,7} = 0,068 {}^\circ\text{C}$$

9. Қўйидаги формула ёрдамида бу амплитуданинг талаб этилган қийматини аниқлаймиз:

$$A_{t_B}^{TP} = 2,5 \quad 0,1(t_H - 21) = 2,5 \quad 0,1(25,9 - 21) = 2,01 {}^\circ\text{C}$$

бу ерда  $t_H$  - июль ойининг ўртача ҳарорати  ${}^\circ\text{C}$ .

7.  $A_{t_B} \leq A_{t_B}^{TP}$  шартнинг бажарилиши текшириб кўрамиз:

$$A_{t_B} = 0,068 {}^\circ\text{C} < A_{t_B}^{TP} = 2,01 {}^\circ\text{C}.$$

шарт бажарилди, демак конструкциянинг иссиқликка чидамлилиги етарли.

#### **4-амалий. Биноларни энергия самарадорлиги бўйича сертификациялаш асослари, уни қўллаш ҳолати ва келажакдаги ютуклари.**

Кўпгина ривожланган давлатлардабинолар учун энергия истеъмоли бўйича қатъий талабларни таъминлаш мақсадида, меъёрий хужжатлар вақти-вақти билан қайта кўриб чиқилади. **Энергия истеъмолини баҳолаш ва таққослаш, ва ниҳоят энергия тежашни рағбатлантириш учун асос - бу биноларнинг энергия самарадорлиги бўйича сертификацияси ва энергия истеъмоли кўрсаткичлари бўйича бинолар классификацияси (энергомаркировка)дан фойдаланишдир,** энергомаркировкадан Евроиттифоқ давлатларида кенг фойдаланилади. Евроиттифоқ давлатларидаги энергияни тежаш соҳасидаги илмий-техник сиёsat ҳар 3-5 йилда бинолар энергия истеъмолини 10-20% га қисқартиришнинг умумий тенденциясидан фойдаланишга йўналтирилган.

Бу ерда, паст иссиқлик химояси ва мос равишда юқори энергия истеъмоли билан характерланувчитеурар-уй ва жамоат бинолари мавжуд йирик фондларининг энергетик самарадорлигини оширишдаги аҳамиятини алоҳида таъкидлаш лозим,

Биноларнинг энергия самарадорлиги бўйича сертификацияси Республикаизда айнан янги, амалда ўрганилмаган фаолият бўлиб, амалдаги қонунчиликка мос ишловчи, Миллий сертификация тизимининг таркибий қисми – амалдаги қурилиш фаолиятининг сертификация Тизимига киритилиши лозим. Бунинг учун, бинолардаги энергия тежами масалаларини ҳисобга олган ҳолда, ҳам Миллий сертификация тизими, ҳам қонунчилик асослари ўз ривожини талаб қиласди.

2012-2013 йилларда Давархитектқурилиш таркибидаги қурилишда стандартлаштириш ва сертификациялаш Республика марказида юқорида қайд қилинган халқаро лойиҳа доирасида энергия самарадорлиги бўйича биноларни сертификациялаш Тизимини ишлаб чиқди, у, айниқса, бозор шароитида энергия самарадорлигини оширишнинг амалдаги куролидир. Тизим энергия истеъмоли бўйича асосий низомлар, тартиблар, қоидалар, сертификациялаш жараёнлари ва услублари, паспортлаш, эн ergoaudit, биноларнинг категориялари, ҳамда техник ҳолатини ўрганиш қоидаларини ўрнатади. Тизимнинг меъёрий хужжатларини ишлаб чиқиша шакллантирилган асосий мақсад – янги, таъмирланган ва фойдаланилаётган бинолар энергетик самарадорлигини ва уларнинг энергия истеъмоли

тизимларини яхшилаш ҳисобига, турар-жой фуқаро қурилишида энергия тежами потенциалидан фойдаланиш шароитларини таъминлашдир.

Қуйилган мақсадга эришиш учун, Тизим яратишда концептуал холатлар ва меъёрий-услубий ёндашувлар ишлаб чиқилди. Қуйидагиларни ҳисобга олган ҳолда, энергия самарадорлиги бўйича бинолар сертификацияси хусусиятлари ўрганилди: жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати ва уни келгусида ривожлантириш; лойиҳалаш ва қуриш бўйича меъёрий-услубий хужжатларнинг илмий-техник даражаси; бино ва иншоотларнинг энергия самарадорлиги даражасини аниқловчи, техник ва услубий характердаги турли омиллар. Тўсиқ конструкциялари, мұхандислик тизимлари ва ускуналари техник ҳолати тадқиқотини ўтказиш, энергоаудит, энергия истеъмоли бўйича категорияларни белгилаш, янги қурилган, ҳамда мавжуд, айниқса, капитал таъмир ёки реконструкцияга муҳтоҷ биноларнинг энергетик паспортизацияси услубиятига тегишли масалалар ўрганилди.

Халқаро тажрибадан фарқли равишда, ишлаб чиқилган тизимда, энергия самарадорлиги бўйича сертификация ва паспортлаш обьектлари – фақатгина янги қурилган ва мавжуд бинолар эмас, балки уларнинг лойиҳасидир. Бу лойиҳалаш босқичида лойиҳаланаётган обьект энергия самарадорлигини ошириш бўйича қабул қилинган ечимларни баҳолаш ва таққослаш учун, ва зарурият туғилганда, лойиҳага мос ўзгаришлар киритиш учун керак.

Энергия самарадорлиги бўйича бинолар сертификацияси ва энергия истеъмоли бўйича уларни классификациялаш турли биноларнинг энергия сарфи ва энергия самарадорлигини баҳолаш ва таққослаш учун асос яратади. Асосий мақсад –бинолар эгалари ва бошқа фойдаланувчилар у ёки бу бинонинг энергетик характеристикалари билан танишиб, бозордаги мавжуд бошқа бинолар энергия самарадорлигини қулай ва осон шаклда фарқлаш, ва бундай фаркнинг микдорий “қиймати”ни аниқлаш имконига эга бўлишларидир. Энергия самарадорлиги бўйича биноларнинг бундай рейтинги қуйидагиларнинг иқтисодий рафбати асоси бўлиб хизмат қиласи: молиявий-моддий раҳбатлантиришлар ва санкциялар; бино ёки унинг алоҳида қисми бўйича энергияни тежаш тадбирларини якуни бўйича аниқ солиқ имтиёзлари; “барқарор” ва/ёки “яшил қурилиш” ни амалда қўллаш ҳолатида суғурта, молиялаш ва кредитлашнинг имтиёзли шартлари. Бу шу соҳадаги мумкин бўлган иқтисодий инструментларнинг тўлиқ рўйхати эмас, уни ишлаб чиқиши ва ишга тушириш лозим.

Бинолар энергия самарадорлиги бўйича сертификацияси тизимининг тузилмавий асоси – бу 17 та миллий стандартларни ўз ичига олувчи, ўзаро боғлиқ ташкилий-услубий меъёрий хужжатлар мажмуасидир. Тизим стандартлари лойиҳасини ишлаб чиқишида, замонавий услубий ёндашувлар,

хорижий ва маҳаллий илгор ютуқлар ва бинолар энергия самарадорлигини ошириш соҳасидаги илмий тадқиқотлар натижалари, меъёрий хужжатларни халқаро стандартлар билан уйғунлаштириш вазифалари ҳисобга олинган.

Бинолар энергия самарадорлиги бўйича сертификацияси тизими мамлакатимизда биринчи марта яратилмоқда ва қурилиш фаолиятидаги сертификация Тизимини ривожлантиришда асос бўлиб хизмат қиласди. Тизимнинг принципиал хусусиятлари – бу энергия самарадорлиги сертификатларининг маълумотга бойлиги ва тушунарлилигидир ва у бино эгалари, лойиха буюртмачилари учун очиқлигидир.

Бинолар энергия самарадорлиги бўйича сертификацияси тизимини ишлаб чиқишида асосий масала қуидагиларни аниқлашдир:

- ягона терминлар;
- тизимнинг ташкилий тузилмаси;

- бинолар энергия самарадорлиги (энергоаудит, биноларнинг энергия самарадорлиги бўйича техник ҳолатини ўрганиш ва сертификациялаш) кўрсаткичларини баҳолаш ва уларнинг меъёрий хужжатлар талабларига мослигини тасдиқлаш қоидалари, жараёнлари ва услубияти;

- энергия истеъмоли бўйича бинолар категориялари;

- бинолар энергия самарадорлиги белгиси ва сертификати, энергетик паспорт шакллари;

- энергия самарадорлиги бўйича бинолар сертификацияси органларига талаблар;

- энергия самарадорлиги соҳасидаги экспертларга малакавий талаблар;


- сертификация беришда юзага келувчи апелляциялар ва тушунмовчиликларни кўриб чиқиш тартиблари.

Тизим меъёрий асоси стандартларининг ўзаро алоқаси схемаси 3.1-расмда келтирилган (ишлаб чиқиш давридаги стандартлар рақамлари шартли равишда қабул қилинган). Схемада Тизим стандартлари ўз аҳамияти бўйича тўртта блокка гурухланган:

1-Блок – асосий стандартлар:

- O'zDSt...01 «Бинолар энергия самарадорлиги бўйича сертификациялаш Тизими. Асосий қоидалар»;
- O'zDSt...02 «Бинолар энергия самарадорлиги бўйича сертификациялаш Тизими. Луғат ва умумий принциплар»;

**Биноларни энергия самарадорлиги бўйича сертификациялаш Тизимининг  
мевърий асоси стандартларининг (ташкилий-услубий хужжатлар)  
ўзаро алоқаси схемаси**



4

**3.1-расм.Бинолар энергия самарадорлиги бўйича сертификациялаш Тизимининг ташкилий-услубий тузилмаси.**

- O'z DSt...03 «Бинолар энергия самарадорлиги бўйича сертификациялаш Тизими. Бинолар энергия самарадорлиги бўйича сертификациялаш қоидалари»;

- O'z DSt...14 «Бинолар энергия самарадорлиги бўйича сертификациялаш Тизими. Иш тўловлари. Умумий талаблар»;

**II-Блок – ташкилий-услубий стандартлар:**

- O'z DSt...04 «Бинолар энергия самарадорлиги бўйича сертификациялаш Тизими. Бино лойихаларини сертификациялаш тартиби»;

- O'z DSt...05 «Бинолар энергия самарадорлиги бўйича сертификациялаш Тизими. Биноларни сертификациялаш тартиби»;

- O'z DSt...13 «Бинолар энергия самарадорлиги бўйича сертификациялаш Тизими. Энергия самарадорлиги бўйича сертификацияланган биноларда инспекция назорати ўтказиш қоидалари»;

**III-Блок – мевърий-услубий стандартлар:**

-O'z DSt...06 «Бинолар энергия самарадорлиги бўйича сертификациялаш Тизими. Энергоаудит. Асосий қоидалар ва уни ўтказиш тартиби»;

- O'z DSt...07 «Бинолар энергия самарадорлиги бўйича сертификациялаш Тизими.Энергия истеъмоли бўйича бинолар техник ҳолатини ўрганиш. Ўтказиш тартиби»;

- O'z DSt...08 «Бинолар энергия самарадорлиги бўйича сертификациялаш Тизими. Бинолар энергия самарадорлиги кўрсаткичлари»;

- O'z DSt...10 «Бинолар энергия самарадорлиги бўйича сертификациялаш Тизими. Энергия истеъмоли бўйича бинолар категориялари».

## **ІY-Блок – умум-техник стандартлар:**

- O'zDSt...09 «Бинолар энергия самарадорлиги бўйича сертификациялаш Тизими. Энергетик паспорт. Шакл, моҳият ва расмийлаштиришга талаблар»;
- O'z DSt...11 «Бинолар энергия самарадорлиги бўйича сертификациялаш Тизими. Энергия самарадорлиги сертификати. Шакл, моҳият ва расмийлаштиришга талаблар»;
- O'zDSt...12 «Бинолар энергия самарадорлиги бўйича сертификациялаш Тизими. Энергия самарадорлиги белгиси. Шакл, чизма, асосий ўлчамлар ва қўллаш тартиби»;
- O'zDSt...15 «Бинолар энергия самарадорлиги бўйича сертификациялаш Тизими. Бинолар энергия самарадорлиги бўйича сертификациялаш органларига талаблар»;
- O'zDSt...16 «Бинолар энергия самарадорлиги бўйича сертификациялаш Тизими. Энергия самарадорлиги соҳаси эксперtlари. Малакавий критериялар ва аттестация жараёнлари»;
- O'zDSt...17 «Бинолар энергия самарадорлиги бўйича сертификациялаш Тизими. Апелляциялар ва тушунмовчиликларни қўриб чиқиш тартиби».

Бинолар энергия самарадорлиги бўйича классификациялаш тизимидан фойдаланиш ва энергия истеъмоли бўйича мос категорияни ўрнатиш, бинолардаги энергия тежами билан боғлиқ бўлган мавжуд ахборот ва техник бўшлиқларни тўлдириш имконини беради. Маълум-ки, бугунги кунда ушлаб турувчи омил (фактор) – қурилишга капитал қўйилмалар, бинонинг хизмат қилиш муддатининг давомийлиги харажатларини эмас, балки бутунлай бошланғич харажатларни оптималлаш учун йигилган, бу эса умумий самарадорликка негатив таъсир кўрсатади. Бундай ҳолат натижасида, меъёрий ички параметрларни таъминлашда юқори энергия истеъмоли билан фарқланувчи мавжуд турар-уй ва жамоат биноларининг улкан фонди шаклланди. Шундай қилиб, сертификацияни ва биноларга энергия истеъмоли бўйича категориялар беришни киритиш – энергия самарадор биноларни лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланишга талабни яратмоқда.


Евropa иттифоқи давлатларида қабул қилинган, бинолар энергия самарадорлигини 7-балли шкала бўйича (3.2-расм) маркировкалаш (категория бериш) модели – шу давлатлар иқтисодиётида, қурилиш соҳасида энергия ҳажмини камайтириш динамикасини бошқариш, энергетик балансга ноанъанавий ва тикланувчи энергия манбаларини жалб қилишни рағбатлантириш, ташқи муҳитга негатив таъсирни камайтириш имконини беради.

Бунда, категориялар фақат бинонинг йиллик энергия истеъмолининг чегаравий катталигини хисоб-китоб қилиш йўли билан берилиши назарда

тутилган. Бундан ташқари, категориялар бўйича энергия истеъмоли даражаси тез-тез қайта кўрилади ва ҳар  $3\div 5$  йилда қатъйлашади. Бунда энергия самарадорлиги бўйича энг юқори категориялар амалдаги қурилиш меъёрларига мос биноларга берилади.

Энергия самарадорлиги бўйича бинолар классификацияси ва категориялар беришга принципиал ёндашувни ишлаб чиқишида муроакаб масалага дуч келинади – ҳар бир категория бўйича, энергия самарадорлиги даражасига бўлган талаблар қандай бўлиши керак? Бинолар энергия самарадорлигини оширишга йўналтирилган механизмларнинг ишлашини таъминлашмасаланинг тўғри ечимида боғлик.

Тушунарли-ки, энергия самарадорлиги бўйича биноларга категориялар беришнинг турли давлатларда мавжуд принципларини оддий кўчириш, мамлакатимизда кутилган натижаларни бермаслиги мумкин. Бу ривожланишнинг турли босқичлари билан тушунтирилади: ижтимоий-иктисодий шароитлар; қурилишнинг ишлаб чиқариш асоси; иссиқлик изоляцион материаллар ва биноларнинг муҳандислик ускуналари билан бозорнинг тўйинганлиги, шу жумладан, тикланувчи энергия манбаларини кўллаш бўйича; ва ниҳоят, лойиҳалаш ва қурилишнинг меъёрий асослари.



3.2-Расм.Бинонинг энергетик сертификати намунаси.

Энергия самарадорлиги бўйича биноларга категориялар (классификация) бериш асосида энергия ресурсларининг ривожланаётган дифицити шароитида, бинолар қуриш ва фойдаланиш хусусиятлари ҳисобга олинган, ҳамда бинолар энергия самарадорлик дунё даражасининг аниқ қийматларига яқинлашувчи, паст (самарали) энергия истеъмоли (меъёрдан камрок) га эга бинолар категорияси кўзда тутилган. Энди Республикадаги энергия истеъмоли бўйича амалдаги меъёрий талабларга мос биноларни, шунингдек, юқори (самарасиз) энергия истеъмолига эга аввалги даврларда қурилган биноларнибаҳолаш имкониятлари кўриб чиқилади. Қурувчилар ва бино эгаларининг иқтисодий имкониятларини ҳисобга оловчи бундай ёндашув қўйидагиларга ёрдам беради:

- биринчи навбатда, муқобил энергия манбалари, айниқса, қуёш манбасидан фойдаланиш бўйича, илм-фан технологияларини қўллаш;
- келажақда дунё стандартларига етказиш мақсадида, энергия тежаш соҳасида қурилишни ривожлантириш ва илмий-техник даражасини ошириш.

Биноларни энергия самарадорлиги бўйича сертификациялашда муҳим (калит) бўғин – бу энергия истеъмоли бўйича биноларга категориялар беришdir. Энергия истеъмоли бўйича бино категорияси унинг энергия самарадорлиги класификаторион характеристикиси бўлиб, тўсиқли конструкциялар, муҳандислик тизим ва ускуналари самарадорлигига боғлик /4/.

Энергия истеъмоли бўйича биноларга категориялар беришбинода меъёрий ички параметрларни таъминлаш учун зарур бўлган чегаравий шартли энергиянинг сарфидан ( $q_s$ ,  $W/m^2$ )четланиш даражаси бўйича( $\delta$ ), $O'zDSt...10$  лойиҳасида шаклланган, юқорида санаб ўтилган пинципиал ёндашувлар в талаблар асосида ишлаб чиқилган, (3.4-Жадвал ва 3.3-расм) энергия истеъмоли бўйича биноларга категориялар шкаласига кўра, энергиянинг меъёрий чегаравий сарфи( $q_{s,pr}$ ,  $W/m^2$ ) билан таққослаш усули ёрдамида амалга оширилади.

Чегаравий шартли энергиянинг сарфининг меъёрдан четланиши  $O'z DSt...10$  га кўра ва қўйидаги формула билан аниқланади:

$$\delta = \frac{q_s - q_{s,pr}}{q_{s,pr}} \cdot 100, \%$$

$q_s$ и $q_{s,pr}$  қийматлари  $O'zDSt...08$  стандарт лойиҳасида келтирилган ҳисобкитоб усуллари бўйича аниқланади.

### 3.4-Жадвал

Энергия истеъмоли бўйича бино категорияси	Энергиянинг чегаравий шартли сарфининг меъёрийдан четланиши $\delta, \%$
<b>A</b>	-40 дан кўп
<b>B</b>	- 40 дан -26 гача
<b>C</b>	-25 дан -11 гача
<b>D</b>	-10 дан +4 гача
<b>E</b>	+5 дан +14 гача
<b>F</b>	+15 дан +25 гача
<b>G</b>	+25 дан кўп

Тавсия қилинган бинолар классификацияси бўйича, А дан С гача мос категориялар, энергия истеъмоли паст (самарали), Д – энергия истеъмоли меъёрий талаб чегарасида, Е дан Gгача мос категорияли бинолар эса – энергия истеъмоли юқори (самарасиз) биноларга ажратилади.

Энергоаудит ўтказиш вақтида энергия сарфининг чегаравий шартли хисоб китоб четланиши ва бинонинг энергия самарадорлигини ошириш бўйича тадбирлар ўтказилгандан сўнг шу кўрсаткич четланиши орасидаги фарқ – тавсия қилинган тадбирлар амалга оширилгандан сўнг эришилган, бинодан фойдаланишда энергиянинг реал иқтисодини характерлайди.

Энергия истеъмоли бўйича бинолар категорияси энергоаудити (энергетик тадқиқот) – ишлатилувчи **ТЭР**ҳажми ҳақида ахборот йифиш ва қайта ишлашга, бино, тўсиқ конструкциялари, муҳандислик тизимлари ва ускуналарининг иссиқлик-техник ва энергетик характеристикаларини хисобкитоб ёрдамида аниқлаш ва ўлчаш натижаларига асосланган, бино энергия истеъмоли таҳлили асосида аниқланади.


Энергия самарадорлиги сертификатини расмийлаштириш ва беришда, энергия истеъмоли бўйича бино категорияси кўрсатилади.

Сертификат бланкасида энергия самарадорлик белгиси келтирилади, бу белги Миллий сертификациялаш тизимида қўлланилувчи белгилардан биридир.

Тизимни ишлаб чиқишда бинолар энергия самарадорлигини оширишга йўналтирилган бозор механизмлари хисобга олинганига қарамасдан, энергия тежамини бошқаришда давлат сиёсатининг ролини баҳолаш жуда қийиндир. Энергия самарадорлиги бўйича бинолар сертификацияси тизимини амалга киритиш ва биноларда самарали энергия тежамига йўналтирилган бир қатор чоралар реализацияси учун, қўйидагиларни яратиш бўйича ишларни давом эттириш керак:

- бинолар энергия тежами ва энергия самарадорлигини оширишга йўналтирилган қонунчилик базаси;

- биноларда энергия тежами масалаларини ҳисобга олган ҳолда, Миллий сертификациялаш тизимини ривожлантириш;
- энергия истеъмолининг давлат бошқаруви бўйича маҳсус тузилмалар ва бинолар энергия самарадорлигини баҳолаш ва назорат қилиш мустақил органлари;
- ва ниҳоят, энергия тежами муаммолари ва уларни ечиш йўллари хақида фойдаланувчиларни ахборот билан таъминлаш ва хабардорлигини ошириш.



Энергия истеъмоли бўйича биноларнинг категория шкаласи  
A-C – Энергия истеъмоли паст бинолар;  
D – Энергия истеъмолимеъёрий;  
E-G – Энергия истеъмоли юқори бўлган мавжуд бинолар

### 3.3-расм. Энергия самарадорлиги бўйича биноларнинг классификацион шкаласи

#### Ўзини текшириш учун саволлар

1. Биноларда энергия тежами ва энергия самарадорлигини ошириш соҳасида Республика хукуматининг қандай қонунчилик актлари ва қарорлари (фармон, буйруқлар) сизга маълум?
2. Бино ва иншоотлар энергия самарадорлигини оширишга қандай қурилиш меъёрлари ва қоидалари йўналтирилган ва улар нечта?
3. Бинолар энергия самарадорлигини оширишга йўналтирилган, қурилишдаги меъёрий хужжатлар қайта ишланишининг қандай босқичлари хақида биласиз?
4. Ҳозирги вақтда бинолар иссиқлик ҳимояси даражасига қандай талаблар қўйилади ва қайси меъёрий хужжатда?
5. Хажмий-режавий ечимга қўйилган қандай меъёрий талаблар ҳисобига, бинолар энергия самарадорлиги таъминланади?

6. Тўсиқ конструкцияларининг конструктив ечими учун қандай меъёрий талаблар қўйилади?

7. Қиши даврида бино ва иншоотлар хоналарининг ички ҳаво намлиги ва температурасига боғлик бўлган намлик режими характеристикаси?

8. Санитар-гигиеник талабларга жавоб берувчи, тўсиқ конструкцияларнинг иссиқлик узатишига келтирилган қаршилик қандай аниқланади ва КМК 2.01.04-97\* бўйича иссиқлик ҳимояси даражаси қандай?

9. Энергия самарадорлиги бўйича бинолар сертификацияси нима ва у қандай мақсадда амалга оширилади?

10. Республикадаги энергоаудит ва энергия самарадорлиги бўйича бинолар сертификацияси ҳолати ҳақида нима дейиш мумкин ва унинг келажаги қандай?

#### **Адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конуни 25.04.1997 й., № 412-І «Энергиядан рационал фойдаланиш ҳақида»

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 5 майдаги ПП-2343-сонли “2015-2019 йилларга мўлжалланган энергияни тежаш, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда энергияни тежовчи технологияларни жорий қилиш бўйича чора-тадбирлар режаси тўғрисида”ги Фармони

3. КМК 2.01.04-97\* «Қурилиш иссиқлик техникаси» /ГосархитектстройРУз. - Ташкент. -AQATM.-2011.-98 с.

4. КМК 2.04.16-96 Установки солнечного горячего водоснабжения /ГоскомархитектстройРУз. – Ташкент. – 1996. - 31 с.

5. Ходжаев С.А. Повышение эффективности энергопотребления зданий и сооружений – актуальная проблема современности// Архитектура и строительство Узбекистана. – 2011. - №№ 4-5. – С. 95 – 96.

6. КМК 2.01.18-2000\* «Иситиш, вентиляция ва шамоллатишига энергия сарфи меъёрлари»; /Госархитектстрой. -Ташкент. -AQATM.-2011.

7. КМК 2.03.10 – 95\* «Том ва қопламалар»; /Госархитектстрой. - Ташкент. -AQATM.-2011.

8. КМК 2.04.05-97\* «Иситиш, шамоллатиши ва вентиляция»; /Госархитектстрой. -Ташкент.-AQATM.-2011.

9. ШНК 2.08.02-09\* «Жамоат бинолари ва иншоотлари»; /Госархитектстрой. -Ташкент. -AQATM.-2011.-282с.

ШНК 1.03.01-08«Корхоналар, бино ва иншоотлар капитал қурилиши лойиҳа хужжатлари таркиби, ишлаб чиқиш тартиби, келишиш ва тасдиқлаш» га 1-Ўзгариш /Госархитектстрой РУз.-Ташкент.-2003

## V. КЕЙСЛАР БАНКИ

### Кейс №1: Биноларнинг энергия самарадорлигини ошириш масалалари.

**Умрбоқийлик, хизмат муддат, қолдиқ хизмат муддати,  
конструкцияларнинг ишдан чиқмаслик эҳтимоли.**

#### I. Педагогик аннотация.

**Модул номи:** “Биноларнинг энергия самарадорлигини ошириш масалалари”.

**Мавзу:** Модуль мақсади ва вазифалари. Биноларнинг энергия тежамкорлигини ва энергия самарадорлигини ошириш, Ривожланган давлатлардаги биноларни энергия самарадорлигини ошириш бўйича тажрибалар.

**Берилган case study мақсади:** “Биноларнинг энергия самарадорлигини ошириш масалалари”га умумий тавсиф беради, Тингловчиларга баҳо бериш мезонлари тушунтирилади, гуруҳчалар ташкил қиласи, кейс стадининг индивидуал босқичида бажариш учун мавзу берилади. Тингловчиларга кейс дафтарчалари тарқатадилади. Мавжуд адабиёт билан таништирилади.

**Кутилаётган натижалар:** Тингловчилар ушбу мавзуни ўрганиш жараёни орқали “Биноларнинг энергия самарадорлигини ошириш масалалари” модулининг асосий вазифалари, ютуқлари, бошқа модуллар билан боғланиш даражалари, жамиятдаги аҳамияти ҳамда бугунги Ўзбекистандаги тараққиёт даражалари ҳақида тушунчаларга эга бўладилар.

**Case study-ни муваффақиятли бажариш учун Тингловчи қўйидаги билимларга эга бўлиши лозим:**

**Тингловчи билиши керак:**

Бино ва иншоотлар эксплуатациясида ишончлилик назарияси, умрбоқийлик, хизмат муддати турлари.

**Тингловчи амалга ошириши керак:** мавзуни мустақил ўрганади, муаммонинг моҳиятини аниқлаштиради; гояларни илгари суради, мустақил қарор қабул қилишни ўрганади, ўз нуқтаи назарига эга бўлиб, мантиқий холоса чақаради, маълумотларни таққослайди, танқидий холоса чиқаради, таҳлил қиласи ва умумлаштиради.

**Case study-нинг обьекти:** Биноларнинг энергия самарадорлигини ошириш масалалари.

**Case study-да ишлатилган маълумотлар манбаи:**

“Биноларнинг энергия самарадорлигини ошириш масалалари” модули бўйича адабиётлар.

## **Case study-нинг типологик хусусиятларга кўра характеристикаси:**

Case study кабинетли тоифага кириб сюжетсиз ҳисобланади, case study маълумотларни тақдим қилишга, уларни ҳал этишга, ҳамда таҳлил қилишга қаратилган.

**Муаммолар:** Ўзбекистон худудининг табиий–иқлимий омиллари ва уларни биноларни лойихалаштиришда ҳисобга олиш. Қурилишда иссиқлик техникаси асослари. Биноларнинг иссиқлик ҳимоясини ошириш?

Биноларнинг энергия самарадорлигини ошириш бўйича қурилиш қоидалари ва меъёрлари.

Замонавий иссиқлик изоляцияловчи материаллар ва уларнинг тури, асосий хоссалари ўқилганми ?

Мустақил Ўзбекистонда ушбу йўналишда дастлаб қандай модул ўқилган ?

Ундан кейин бакалавр ва магистрларга ўқилган модулнинг номи ?

Биноларнинг энергоаудити, энергиядан фойдаланиш бўйича техник ҳолатини текшириш?

Биноларнинг энергоаудити, энергиядан фойдаланиш бўйича техник ҳолатини текшириш?

Биноларни энергия самарадорлигини оширишнинг техник–иқтисодий кўрсаткичлари ) ?

**Кейс №2: Бино ва иншоотларни эксплуатациясида емирилиш назарияси ҳақида**

### **I. Педагогик аннотация.**

**Модул номи:** “Биноларнинг энергия самарадорлигини ошириш масалалари”.

**Мавзу:** Биноларнинг энергия самарадорлигини ошириш масалалари ҳақида

**Берилган case study мақсади:** “Биноларнинг энергия самарадорлигини ошириш масалалари”га умумий тавсиф беради, Тингловчиларга баҳо бериш мезонлари тушунтирилади, гурухчалар ташкил қиласди, кейс стадининг индивидуал босқичида бажариш учун мавзу берилади. Тингловчиларга кейс дафтарчалари тарқатилади. Мавжуд адабиёт билан таништирилади.

**Кутилаётган натижалар:** Тингловчилар ушбу мавзуни ўрганиш жараёни орқали “Биноларнинг энергия самарадорлигини ошириш масалалари” модулининг асосий вазифалари, ютуклари, бошқа модуллар билан боғланиш даражалари, жамиятдаги аҳамияти ҳамда бугунги Ўзбекистондаги тараққиёт даражалари ҳақида тушунчаларга эга бўладилар.

**Case study-ни муваффақиятли бажариш учун Тингловчи қўйидаги билимларга эга бўлиши лозим:**

**Тингловчи билиши керак:**

**Биноларнинг энергия самарадорлигини ошириш масалалари ҳақида бошланғич маълумотлар ҳақида.**

**Тингловчи амалга ошириши керак:** мавзуни мустақил ўрганади, муаммонинг моҳиятини аниқлаштиради; ғояларни илгари суради, мустақил қарор қабул қилишни ўрганади, ўз нуқтаи назарига эга бўлиб, мантиқий холоса чақаради, маълумотларни таққослади, танқидий холоса чиқаради, таҳлил қиласи ва умумлаштиради.

**Case study-нинг обьекти:** Биноларнинг энергия самарадорлигини ошириш масалалари

**Case study-да ишлатилган маълумотлар манбай:**

“Биноларнинг энергия самарадорлигини ошириш масалалари” модули бўйича адабиётлар.

**Case study-нинг типологик хусусиятларга кўра характеристикаси:**

Case study кабинетли тоифага кириб сюжетсиз хисобланади, case study маълумотларни тақдим қилишга, уларни ҳал этишга, ҳамда таҳлил қилишга қаратилга

**Муаммолар:** Биноларнинг энергия тежамкорлигини ва энергия самарадорлигини ошириш муаммолари ва уларни ечиш йўллари. Мавжуд ўйжой ва жамоат биноларининг энергия истеъмоли ҳолати. Биноларнинг энергия самарадорлигини ошириш бўйича қурилиш қоидалари ва меъёрлари. Ўйжой ва жамоат биноларини таъмирлашда энергия самарадорлигини ошириш йўллари?

Замонавий иссиқлик изоляцияловчи материаллар ва уларнинг тури, асосий хоссалари, эксплуатацион тавсифлари?

Биноларнинг энергоаудити, энергиядан фойдаланиш бўйича техник ҳолатини текшириш?

энергетик паспорти ва энергия самарадорлиги бўйича сертификатлаштириш?

**Кейс №3: Бино ва иншоотларни техник ҳолатини баҳолаш ҳақида**

## I. Педагогик аннотация.

**Модул номи:** “Биноларнинг энергия самарадорлигини ошириш масалалари”.

**Мавзу:** Биноларнинг энергия самарадорлигини ошириш масалалари ҳақида

**Берилган case study мақсади:** “Биноларнинг энергия самарадорлигини ошириш масалалари”га умумий тавсиф беради, Тингловчиларга баҳо бериш мезонлари тушунтирилади, гурӯҳчалар ташкил қиласи, кейс стадининг индивидуал босқичида бажариш учун мавзу берилади. Тингловчиларга кейс дафтарчалари тарқатилади. Мавжуд адабиёт билан таништирилади.

**Кутилаётган натижалар:** Тингловчилар ушбу мавзуни ўрганиш жараёни орқали “Биноларнинг энергия самарадорлигини ошириш масалалари” модулининг асосий вазифалари, ютуқлари, бошқа модуллар

билингвистикада тарақиёт даражалари, жамиятдаги аҳамияти ҳамда бугунги Ўзбекистондаги тарақиёт даражалари ҳақида тушунчаларга эга бўладилар.

**Case study-ни муваффақиятли бажариш учун Тингловчи қўйидаги билимларга эга бўлиши лозим:**

**Тингловчи билиши керак:**

Ўй-жой ва жамоат биноларини реконструкция ва таъмирлашда қўлланадиган тўсиқ конструкцияларининг конструктив-технологик ечимлари..

**Тингловчи амалга ошириши керак:** мавзуни мустақил ўрганади, муаммонинг моҳиятини аниқлаштиради; ғояларни илгари суради, мустақил қарор қабул қилишни ўрганади, ўз нуқтаи назарига эга бўлиб, мантиқий хулоса чиқаради, маълумотларни таққослади, танқидий хулоса чиқаради, тахлил қиласи ва умумлаштиради.

**Case study-нинг обьекти:** Биноларнинг энергия самарадорлигини ошириш масалалари.

**Case study-да ишлатилган маълумотлар манбаи:**

“Биноларнинг энергия самарадорлигини ошириш масалалари” модули бўйича адабиётлар.

**Case study-нинг типологик хусусиятларга кўра характеристикаси:**

Case study кабинетли тоифага кириб сюжетсиз хисобланади, case study маълумотларни тақдим қилишга, уларни ҳал этишга, ҳамда таҳлил қилишга қаратилган.

**Муаммолар:** Мавжуд ўй-жой ва жамоат биноларининг энергия истеъмоли ҳолати. Биноларнинг энергия самарадорлигини ошириш бўйича қурилиш қоидалари ва меъёрлари. Ўй-жой ва жамоат биноларини таъмирлашда энергия самарадорлигини ошириш йўллари.

Замонавий иссиқлик изоляцияловчи материаллар ва уларнинг тури, асосий хоссалари, эксплуатацион тавсифлари.

Биноларнинг энергоаудити, энергиядан фойдаланиш бўйича техник ҳолатини текшириш, энергетик паспорти ва энергия самарадорлиги бўйича сертификатлаштириш.

Ўй-жой ва жамоат биноларини реконструкция ва таъмирлашда қўлланадиган тўсиқ конструкцияларининг конструктив-технологик ечимлари. Биноларни энергия самарадорлигини оширишнинг техник-иктисодий кўрсаткичлари.

## VII. ГЛОССАРИЙ

Атаманинг ўзбек тилида номланиши	Атаманинг инглиз тилида номланиши	Атаманинг рус тилида номланиши	Атаманинг маъноси
<b>Бино (иншоот)ларнинг умрбокийлиги</b>	<b>The durability of buildings (structures)</b>	<b>Долговечность зданий (сооружений)</b>	Объектларнинг маълум эксплуатация жараёнида, белгиланган муддатга мос равишда хизмат кўрсатиш ва таъмираш ишларини ўтказишда ишга яроқли ҳолатини саклаб туриши.
<b>Бино паспорти</b>	<b>Passport buildings</b>	<b>Паспорт зданий</b>	Бино (иншоот)нинг бутун хизмат даврида техник ва техник- иқтисодий маълумотларини, уни техник ҳолатини бутун хизмат даври давомида саклаш ва таъмираш ишларини олиб боришни хисобга олиб берадиган хужжат.
<b>Бино (иншоот)ни паспортлаштириш</b>	<b>Certification of buildings (structures)</b>	<b>Паспортизация зданий (сооружений)</b>	Биноларнинг техник ва техник- иқтисодий маълумотларини ва уларни техник ҳолатини баҳолаш ва хисобга олиш бўйича бажариладиган ишлар.
<b>Замин</b>	<b>Grounds</b>	<b>Основания</b>	Бино ва иншоот пойдеворлари орқали тушаётган юклар таъсирида деформацияланувчи грунт.
<b>Замин деформацияси</b>	<b>Deformation of foundations</b>	<b>Деформация оснований</b>	Бино (иншоот)нинг заминга берадиган таъсиридан пайдо бўладиган ёки эксплуатация мобайнида грунтнинг физик хоссаларининг ўзгариши эвазига пайдо бўладиган деформация.
<b>Замин устиворлиги</b>	<b>Stability bases</b>	<b>Устойчивость оснований</b>	Замин ёки иншоотга қўйилган кучни сўнмайдиган кўчишлар ҳосил қиласдан турга олиш қобилияти.
<b>Соз ҳолат</b>	<b>Working condition</b>	<b>Исправное состояние</b>	Объектнинг барча меъёрий-техник ва конструкторлик хужжатларидағи талабларга мос келадиган ҳолати.
<b>Ишга яроқли ҳолат</b>	<b>Usable state</b>	<b>Работоспособное состояние</b>	Объектнинг берилган функцияларини бажариш жараёнида қайд қилинган барча параметрларининг қиймати меъёрий-техник хужжатларда талаб килинадиган қийматига мос келадиган ҳолати
<b>Пластиклик</b>	<b>Plastic</b>	<b>Пластичность</b>	Каттиқ жисмларнинг ташқи кучлар таъсирида бузилмасдан ўз шакл ва ўлчамларини ўзгартириши, шу билан бирга кучлар таъсири олингандан сўнг қолдик (пластик) деформациянинг саклаши.
<b>Иншоот</b>	<b>structure</b>	<b>Сооружение</b>	Ҳажмий, текис, юк кўтарувчи ва бошқа конструкциялардан иборат бўлган, турли хилдаги ишлаб чиқариш жараёнларини бажариш ва х.к. учун мўлжалланган ер устидаги ёки остидаги курилиш тизими.
<b>Ишончлилик</b>	<b>Reliability</b>	<b>Надежность</b>	Бино ёки иншоотнинг ҳамда уларнинг юк кўтарувчи конструкцияларининг ўз вазифаларини эксплуатация мобайнида бажара олиши имконияти.
<b>Мўртлик</b>	<b>Fragility</b>	<b>Хрупкость</b>	Каттиқ жисмнинг механик таъсирлар остида сезиларли пластик деформация (пластикликка қарама-қарши хусусият) ларсиз бузилиши хусусияти.
<b>Мўртлашиш</b>	<b>Softening</b>	<b>размягчение</b>	Металлнинг эскириши, ҳароратнинг тушиб кетиши ёки юкланиш ҳолатининг тезлашиши хисобига конструкцияда

			мұртлик даражасининг ортиши.
<b>Четланиш (огиш)</b>	<b>Deviations</b>	<b>Отклонения</b>	Исталған техник күрсаткичининг ҳақиқий ҳолатини мөъёрий, лойиха ҳужжатлари ёки техник жараённи таъминлаш бўйича қуилган талаблардан фарқ қилиш ҳолати.
<b>Узоқ муддат таъсир қилувчи мөъёлардан четланиш</b>	<b>The deviation from The long-acting regulations</b>	<b>Отклонение от длительно действующих нормативов</b>	Мавжуд бино ва иншоотларда учрайдиган, эски мөъёрий талаблар асосида лойиҳаланган, таъмираш жараённида тўғрилаб бўлмайдиган четланиш. Янги ишлаб чиқилган мөъёрий талаблар бундай бино ва иншоотларга тадбиқ этилмайди, агарда уларнинг кейинги эксплуатацияси янги маълумотлар талабларига мос равишда фавқулодда ҳолатларни келтириб чиқармаса.
<b>Хизмат муддати</b>	<b>Life time</b>	<b>Срок службы</b>	Бино (иншоот)нинг хар хил ташқи омиллар таъсири остида эксплуатация қилишга ярамай қолган ҳолати ёки унинг соз ёки ишчи ҳолатининг қайта тиклаш эса иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлмай қолган ҳолатга келгунча ўтадиган даврий вақт.
<b>Қаттиқлиқ</b>	<b>Hardness</b>	<b>Твердость</b>	Махаллий кучлар таъсирида материал сиртқи қатламининг пластик деформацияга ёки мұртлик бузилишига қаршилик кўрсата олиш ҳолати.
<b>Эксплуатацион-техник ҳужжатлар (ЭТХ)</b>	<b>Operational and Technical Documents</b>	<b>Эксплуатационно-технический документы</b>	Бино ва иншоотлар эксплуатацияси бўйича назорат хизмати фойдаланадиган (айрим ҳолларда ишлаб чиқадиган) бошқарув ва ишчи ҳужжатлар мажмусаси.
<b>Юқ кўтарувчи конструкция</b>	<b>Basic structure</b>	<b>Несущая конструкция</b>	Бино ёки иншоотнинг юқ ва таъсирларни қабул қилувчи, мустаҳкамлигини, бикирлигини ва устиворлигини таъминловчи қурилиш конструкцияси.
<b>Юқ</b>	<b>Load</b>	<b>Нагрузка</b>	У куч билан ўлчаниб, унинг йўналиши ва катталиги таъсирида бино ёки иншоотнинг конструкцияларини ва заминни кучланиш-деформацияланиш ҳолатларини ўзгартирувчи механик таъсир.

### **VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Samig'ov N. A. Qurilish materiallari va buyumlari. Darslik. - Т.: Cho'lpon, 2013. – 319 b.
2. Қосимов Э. Курилиш ашёлари. Дарслик. - Т.: Mehnat, 2004. - 512 б.
3. Қосимов Э.У., Самиғов Н.А. Курилиш ашёларидан тажриба ишлари. Ўқув қўлланма. - Т.: 2014.
4. Самиғов Н.А. Бино ва иншоотларни таъмирлаш материалшунослиги. Ўқув қўлланма. 1-, 2-, 3-қисмлар. – Т.: Ўқитувчи, 2005.
5. Фокин К.Ф. Строительная теплотехника ограждающих частей зданий.- Изд. 4-е, перераб. и доп.- М.: Стройиздат, 1973г. - 287с.
6. Холщевников В.В., Луков А.В. Климат местности и микроклимат помещения /Учебной пособие. - М.: ACB. - 2001 г. - 200с.
7. Маракаев Р.Ю., Норов Н.Н. Ўзбекистон шароитида энергия самарали биноларни лойиҳалаш / Ўқув - услугий қўлланма. - Тошкент, 2009 й., 109 бет.
8. Табунщиков Ю.А., Хромец Д.Ю., Матросов Ю.А. Тепловая защита ограждающих конструкций зданий и сооружений. М.: Стройиздат, 1986.- 380 с.
9. Щипачева Е.В. Проектирование энергоэффективных гражданских зданий в условиях сухого жаркого климата. Учебное пособие. –Ташкент, ТашИИТ, 2008-153стр.
10. Ходжаев С.А. Нормативно-методологическая база проектирования и строительства энергоэффективных зданий. Архитектура. Строительство. Дизайн.-2013-№2.-Стр.27-32
11. Ходжаев С.А. Особенности конструктивно-технологических решений ограждающих конструкций энергоэффективных зданий // Производство энерго- и ресурсосберегающих строительных материалов и изделий / Сборник трудов II-го научно-практического семинара с участием иностранных специалистов 8-9 ноября 2013г., Ташкент, ТАСИ. – том 2.-С.8
12. Ходжаев С.А., Богданова Н.Ю., Райвич Р.М., Кадыров Р.Р., Ходжаев С.А. Система сертификации зданий по энергоэффективности (особенности, структура, методология)// Архитектура и строительство Узбекистана.-2014. №2-3. С.15-19
13. Ходжаев С.А., Кадыров Р.Р., Ходжаев С.А. Проблема повышения энергоэффективности зданий-состояние и пути решения//Биноларнинг энергия самарадорлигини ошириш ва қурилиш физикасининг долзарб муаммолари// Республика илмий-техник анжумани

материалари. Самарқанд, 2015 йил 14-15 май.-СамДАҚИ нашри, 2015.-Б.165-169.

14. Ходжаев С.А. Повышение энергоэффективности жилых и общественных зданий при их реконструкции и модернизации //”Муқобил енергия манбаалари ва улардан фойдаланишнинг долзарб муаммолари” мавзусидаги республика илмий-техник анжуманинг материалари тўплами. Буҳоро 2015 йил 25-26 ноябр., Анжуман Буҳоро давлат университетининг 85 йиллигига бағишиланади-МЖЧ ”Шарқ-Буҳоро босмаҳонаси, 2015.-Б.193-197.”

15. ҚМК 2.01.01-94 Лойихалаш учун иқлимий ва физикавий-геологик маълумотлар. ЎзР Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси-Тошкент: Ибн Сино номидаги ГНМБ, 1994-31 бет.

16. ҚМК 2.01.04-97\* Қурилиш иссиқлик техникаси. ЎзР Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси-Тошкент: АҚАТМ, 2011-98 бет.

17. ҚМК 2.03.10-95\* Томлар ва том қопламалар. ЎзР Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси-Тошкент: ИВЦ АҚАТМ, 2011-50 бет.

18. ШНК 2.08.02-09\* Жамоат бинолари ва иншоотлари. ЎзР Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси-Тошкент: ИВЦ АҚАТМ, 2011-282 бет.

19. Пособие по проектированию новых энергосберегающих решений по строительной теплотехнике (к КМК 2.01.04-97\*) / ОАО “Toshuyjoy LITI” – Ташкент: ИВЦ AQATM Госархитектстроя, 2012-70стр.

20. Пособие по проектированию крыш и кровель энергоэффективных зданий (к КМК 2.03.10-95\*) / Республиканский центр стандартизации и сертификации в строительстве Госархитектстроя - Ташкент: ИВЦ AQATM Госархитектстроя, 2012-43стр.

21. Справочник по строительным материалам и изделиям для внутреннего обустройства и отделки помещений/ С.А. Ходжаев, А.А. Тулаганов, С.С. Сайдрасолов, Н.Ю. Богданова, М.С. Мустапов, Ш. З. Нуриев, С.С. Голубева; Под ред. С.А. Ходжаева.-Ташкент.-2015.-72с.

#### **Интернет маълумотлари:**

1. [www.Ziyonet.uz](http://www.Ziyonet.uz)
2. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
3. Infocom.uz электрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)
4. <http://learnenglishkids.britishcouncil.org/en/>
5. <http://learnenglishteens.britishcouncil.org/>